Alisher Navoiy


Тўй ва маросимлар ҳар кимники, қонун эса ҳамманики 4


Ғузор ва Нишон туманларидаги Шўртан даштида «Олтин йўл ЖТЛ» корхонаси бунёд этилмоқда. 6


«... Қамоқдан озод этилсин!» 7


Юрагингда юртга меҳр гули унсин 8


# O'zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

№83-84
2019-yil, 15-oktabr
Seshanba (32.574)


*Улуғлардан улуғимсан, Ватаним!*

# ҚАРДОШЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг еттинчи саммитида иштирок этиш учун 14 октябрь куни Боку шаҳрига ташриф буюрди.**

Боку, 14 октябрь. ЎзА махсус мухбири Матназар ЭЛМУРОДОВ хабар қилади.

Боку халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Озарбайжон Бош вазирининг биринчи ўринбосари Ёқуб Аюбов, Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан учрашди.

Давлат раҳбарлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалаларини муҳокама қилиб, бу борада биринчи галдаги вазифаларни белгилаб олдилар.

Мамлакатларимиз етакчи компаниялари ва тадбиркорлари даражасида ишбилармонлик алоқаларини йўлга қўйиш, шунингдек, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа устувор тармоқларда кооперацияни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки томонлама ҳукуматлараро комиссия фаолиятини жонлантириш ҳамда Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳудудлари делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этишга келишиб олинди.

Илҳом Алиев Шавкат Мирзиёевни мамлакатимиз Туркий тилли давлатлар кенгашига қўшилгани билан табриклаб, бу, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларни, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда минтақавий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги суръат бағишлашини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари саммитга тайёргарлик юксак даражада ташкил этилганини алоҳида таъкидлади ва Озарбайжоннинг ташкилотда муваффақиятли раислик қилишини тилади.

Учрашув якунида Президентлар кўп асрлик дўстлик ва стратегик шерикликка асосланган Ўзбекистон – Озарбайжон муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида интилишлари қатъий эканини таъкидладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозодани қабул қилди.

Учрашувда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, конфессиялараро мулоқотни кенгайтириш, таълим ва ёшларнинг маънавий тарбияси масалалари муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари бу борадаги халқаро ҳамкорлик даражаси тобора юксалиб бораётганини мамнуният билан қайд этди.

Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар замонавий хатар ва таҳдидларга қарши самарали курашиш, муқаддас ислом динининг соф қадриятлари ва чинакам инсонпарварлик мақсадларини халқаро ҳамжамиятга етказишга хизмат қилиши таъкидланди.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси, ўз навбатида, Ўзбекистон Президентининг ислом оламининг бой меросини ўрганиш ва асраб-авайлаш бўйича ташаббусларини алоҳида эътироф этар экан, бу борада қабул қилинаётган чоралар самарали эканини қайд этди.

Оллоҳшукур Пошшозода мамлакатларимиз ва бутун минтақада тинчлик, тотувлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш йўлида фаол мулоқот ва ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирди.

Саммитнинг асосий воқеалари 15 октябрь куни бўлиб ўтади. Туркий кенгашга аъзо давлатлар раҳбарлари ташкилот доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга қаратилган масалаларни муҳокама қиладилар.

Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий кенгаш) бундан ўн йил аввал – 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон ва Қозоғистон иштирокида ташкил этилган. Ушбу халқаро ташкилотнинг асосий мақсади туркий тилли давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик, яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, минтақада ва дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлашдан иборат.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос томони шундаки, Ўзбекистон биринчи маротаба Туркий кенгашнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида иштирок этмоқда.

Маълумки, Президент Шавкат Мирзиёев 2018 йил 3 сентябрь куни Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида бўлиб ўтган Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашининг олтинчи саммитида илк бор фахрий меҳмон сифатида қатнашган эди. Давлатимиз раҳбари ушбу саммитдаги нутқида Туркий кенгаш доирасидаги алоқаларни ривожлантиришга оид муҳим йўналишларга тўхталиб, Ўзбекистон мазкур халқаро тузилма доирасида ўзаро самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини, унинг келажагига катта умид ва ишонч билан қарашини таъкидлаган эди.

Бу йил Ўзбекистон ушбу ташкилотга тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилиш йўлидаги тарихий қадамни ташлади. Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 14 сентябрь куни "Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашини тузиш тўғрисидаги Нахичеван Битимини (Нахичеван, 2009 йил 3 октябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини имзолади. Шу тариқа Ўзбекистон яна бир йирик халқаро ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди.

Бу галги анжуман иқтисодиёт, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашга бағишланган бўлиб, бу Ўзбекистоннинг ташаббусларига мосдир. Умуман, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзолик мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларига хизмат қилади.

ЎзА

**«Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 30 йиллиги олдидан**

# ТИЛГА ҲУРМАТ — ЭЛГА ҲУРМАТ




*Ўзбекистон Республикасининг қонунидан бандлар*

**1-модда.**

Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир.

**2-модда.**

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши республика ҳудудида яшовчи миллат ва элатларнинг ўз она тилини қўллашдан иборат конституциявий ҳуқуқларига монелик қилмайди.

**3-модда.**

Ўзбек тилининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида давлат тили сифатида амал қилишининг ҳуқуқий асослари ушбу Қонун ва бошқа қонунлар билан белгилаб берилади.

Тилнинг Қорақалпоғистон Республикасида амал қилишига боғлиқ масалалар, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ушбу Қонун тилларнинг турмушда, шахслараро муомалада ҳамда диний ва ибодат билан боғлиқ удумларни адо этишда қўлланишини тартибга солмайди.

Фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

**4-модда.**

Ўзбекистон Республикасида давлат тилини ўрганиш учун барча фуқароларга шарт-шароит ҳамда унинг ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг тилларига иззат-ҳурмат билан муносабатда бўлиш таъминланади, бу тилларни ривожлантириш учун шарт-шароит яратилади.

Фуқароларга давлат тилини ўқитиш бепул амалга оширилади.

**5-модда.**

Ўзбекистон Республикасида давлат тилида фаолият кўрсатадиган, миллий гуруҳлар зич яшайдиган жойларда эса — уларнинг тилларида фаолият кўрсатадиган мактабгача тарбия болалар муассасаларини ташкил этиш таъминланади.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2019 йил 12 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси иши давом эттирилди.**

Мажлисда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенаторлар Наманган вилоятининг Наманган шаҳри, Тўрақўрғон, Косонсой, Наманган ва Янгиқўрғон туманлари, Андижон вилоятининг Хонобод шаҳри ва Қўрғонтепа тумани чегараларини ўзгартириш, шунингдек, Андижон вилояти Бўз туманининг номини ўзгартириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, таклиф этилаётган ўзгартишлар натижасида Наманган ва Андижон вилоятларининг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, аҳоли учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш имконияти пайдо бўлади.

Бу ўзгартиришлар мазкур ҳудудлар учун долзарб бўлган вазифаларни ҳал этишда, шу жумладан, ҳудудларнинг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб тузиладиган тасдиқланган маҳаллий дастурларни тўлиқ амалга оширишда муҳим омил бўлиши таъкидланди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Давоми 2-бетда. ▶

# Янгиланаётган Ўзбекистон, янгича сайловлар

*ва албатта тарғибот тадбирлари жойларда янги усулларда ўтказилмоқда*


3


4-5

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ

*миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликдадир*

# САЙЛОВ КОДЕКСИДАН

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг боришини ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб боради.

Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки ушбу Кодексда белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига, Қонунчилик палатаси депутатлигига, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлардан кузатувчилар иштирок этиш ҳуқуқига эга.

***8-модда. Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишдаги очиқлик ва ошкоралик.***



Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ



Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг мамлакатда дарахт ва буталарни кесишда қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳолати тўғрисидаги ахборотини эшитдилар.

Мамлакатимизнинг "яшил либоси", айниқса, дарахтзор ва бутазорлар экотизим мувозанатини, ҳаво тозалигини, демакки, аҳоли саломатлигини таъминлашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди. Айнан шу нуқтаи назардан уларни авайлаб-асраш ва кўпайтириш зарур. Бироқ кейинги пайтда ҳар ерда дарахтларнинг назоратсиз кесиб ташланиши туфайли яшил ўсимликлар фонди, айниқса, асрлар оша сақланаб келаётган дарахтлар сони кескин камаймоқда, бу эса ҳақли равишда жамоатчиликнинг эътирозларини келтириб чиқармоқда. Хусусан, Олий Мажлис Сенатига ушбу масала юзасидан мурожаатлар келиб тушмоқда. Бу мавзу ижтимоий тармоқларда ҳам кенг муҳокамага сабаб бўлди. Шуни инобатга олган ҳолда, бу масала ялпи мажлис кун тартибига киритилди.

Сенатнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси томонидан ўрмон фондига кирмайдиган ерлардаги дарахт ва буталар кесилиши билан боғлиқ ҳолат ўрганилганда бу борада муаммолар борлиги аниқланди. Жумладан, 2017 йилга нисбатан дарахтлар кесиб ташланиши 56 фоизга кўпайди. Айни вақтда дарахтларни кесиш билан боғлиқ 3 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мазкур даврига нисбатан 66 фоизга ошди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини ошириш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар кўриш, давлат органлари ёки тадбиркорлар эҳтиёжлари учун ер ажратишда мавжуд дарахтларни бошқа ерга кўчириб экиш ёки дарахтзор бўлмаган ҳудудларга янги дарахтлар экиш амалиётини жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

◀Давоми, бошланиши 1-бетда.

Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига дарахтларни рўйхатга олиш бўйича методик қўлланма ишлаб чиқиш, шунингдек, аҳолининг экологик маданиятини оширишга қаратилган тушунтириш ишларини кучайтиришга эътибор қаратиш топширилди. Ялпи мажлисда Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарорида ўз аксини топган бошқа аниқ таъсирчан чора-тадбирлар ҳам билдирилди.

Сўнгра парламентнинг юқори палатаси аъзолари Наманган вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилишича, жорий йил январь-август ойлари якунлари бўйича вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилган. Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 5 триллион 137 миллиард сўмни (109,5 фоиз) ташкил этди, 3 триллион 541 миллиард сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди.

Давлат раҳбарининг 2017-2019 йиллардаги ташрифлари чоғида вилоятни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олинганлиги таъкидланди. Жумладан, бу даврда 14,7 триллион сўмлик маблағлар ўзлаштирилиши ҳисобига 1252 та лойиҳа амалга оширилди, 26275 та янги иш ўрни ташкил этилди. Тадбиркорликнинг барча шаклларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда 4622 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, бу эса ўтган йилга нисбатан ўсиш икки бараварни ташкил этганини англатади. Вилоятга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтга қадар 235,0 миллион долларлик хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 3,1 бараварга ўсди.

Сўнгги уч йилда вилоят халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ва доимий комиссиялар мажлисларида ижро этувчи ҳокимият органларидаги 812 мансабдор шахснинг ҳисоботлари эшитилди, бу эса, ўз навбатида, ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашга кўмаклашди.

Шу билан бирга, Наманган вилоятида ҳудудларни ривожлантиришга ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари иши самарадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатадиган кўплаб муаммо ва камчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаоллигини ошириш, уларнинг фаолиятига янги усуллар ва ёндашувларни жорий этиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар орасида республика ва маҳаллий аҳамиятга эга йўлларни таъмирлаш, давлат аҳамиятига молик Фарғона халқа йўлини модернизациялаш ва кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ушбу йўлдан 2018 йилда 25-30 минг автотранспорт воситаси, бугунги кунгача эса 30-35 минг автотранспорт воситаси фойдаланди, аммо амалдаги нормаларга мувофиқ мазкур йўл бор-йўғи 10-15 минг автотранспорт воситасини ўтказиш имкониятига эга.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу йўлда аянчли оқибатларга олиб келган кўплаб йўл-транспорт ҳодисалари қайд этилгани, уларнинг кўпчилиги қарама-қарши томонга чиқиб кетиш билан боғлиқлиги таъкидланди. Хавфсизликни таъминлаш ва ҳайдовчиларга қулайлик яратиб бериш учун йўналишнинг қатнов қисмларини қайта қуриш ва иккитадан тўрттага кенгайтириш ҳамда ҳимоя йўл тўсиқлари ўрнатиш зарурлиги ҳақида сўз борди. Бу вазифани молиялаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш муҳимлигига урғу берилди.

Вилоятда аҳолининг сув таъминоти билан боғлиқ жиддий муаммолар сақланиб қолмоқда. Жумладан, аҳолининг 37,8 фоизи тоза ичимлик суви билан таъминланмаган. Мавжуд 508 сув олиш иншооти қувватининг атиги 46 фоизидан фойдаланилмоқда, сув қудуқларининг 13 фоизи таъмирталаб, 8 фоизи яроқсиз ҳолга келган. Маҳаллий ҳокимликларнинг мелиоратив ишлар самарадорлигини ошириш билан боғлиқ ташаббуслари масъул вазирликлар ва идоралар томонидан батафсил ўрганилмаяпти.

Муҳокама чоғида сенаторлар томонидан ҳудудни янада ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ишини такомиллаштириш бўйича аниқ таклифлар билдирилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар ота-оналар қаровисиз қолган ва Меҳрибонлик уйида тарбияланган ёшларнинг жамиятга ижтимоий мослашувидаги долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Сенатнинг тегишли қўмиталари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан биргаликда ўтказилган ўрганиш ва таҳлил Меҳрибонлик уйида тарбияланган болаларни жамиятга ижтимоий мослаштиришда қатор муаммолар борлигини кўрсатди. Шу муносабат билан бундай сўров юбориш зарурати юзага келди. Мазкур масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан кейин сенаторлар табиий газ қувурлари тизими ҳолати ва ушбу соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига парламент сўрови юбориш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, аҳоли билан мулоқот, газ қувурлари тизими ҳолатини текшириш, тегишли қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ижросини таҳлил қилиш вақтида қатор тизимли муаммо ва камчиликлар аниқланди. Шу муносабат билан парламент сўрови юбориш зарурати юзага келди. Бу масала юзасидан Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг академик лицейларида қонун ҳужжатлари ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилдилар.

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 21 июндаги тегишли қарори билан бу парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилди. Сўровга 2019 йил 20 августда берилган батафсил жавобда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилганлиги қайд этилмоқда. Жумладан, тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда академик лицейларда илғор педагогика технологиялари асосида ўқитишни ташкил этиш, битирувчилар бандлигини таъминлаш, мазкур таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланди. Ушбу ҳужжатда белгиланган мақсадли вазифаларда Ўзбекистон Республикасининг битта қонунига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бир нечта қарорлари ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартишлар киритиш назарда тутилган. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Сўнгра сенаторлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталигини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилдилар.

Олий Мажлис Сенатининг жорий йил 4 майдаги тегишли қарори билан ушбу парламент сўрови Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилди.

2019 йил 3 августда берилган батафсил жавобда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрилгани қайд этилган. Хусусан, парламент сўровида баён этилган талабларни бажариш бўйича тегишли чора-тадбирлар режаси, шу жумладан, аҳолининг санитария-эпидемиология осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишининг, юқумли ва паразитар касалликлар пайдо бўлиши ҳамда тарқалишининг олдини олиш тадбирлари тасдиқланди. Уларнинг ўз вақтида ижро этилиши назоратга олинди. Муҳокама якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг сенаторлар Ўзбекистон Республикаси судьяларининг махсус кийими тавсифи ва намунасини кўриб чиқдилар ҳамда тасдиқладилар.

Олий Мажлис Сенати аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар, унинг якунлари бўйича Олий Мажлис Сенатининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси чоғида 31 та масала, шу жумладан, 19 та қонун, Вазирлар Маҳкамасига оид 4 та парламент сўрови кўриб чиқилди.

Йигирма учинчи ялпи мажлис фаолияти биринчи марта онлайн режимда Олий Мажлис Сенатининг расмий сайти орқали ва унинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида трансляция қилинди. Ялпи мажлисни ёритиш учун Олий Мажлис Сенатининг Ахборот хизмати томонидан мамлакатимиз ва хориж оммавий ахборот воситаларининг 130 дан ортиқ вакили аккредитация қилинди.

Сенаторлар томонидан маъқулланган Ўзбекистон Республикаси қонунлари демократик ислоҳотлар ва янгиланишларни изчил амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлашга, шунингдек, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгани таъкидланди. Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган қарорлар ижроси устидан парламент, депутатлар ва жамоатчилик назорати янада кучайтирилиши назарда тутилмоқда.

Шунинг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма учинчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати**
**Ахборот хизмати.**



# Икки ёшли боласи бор оналар уйда ўтиришга мажбур

## *Уларнинг ишлаш ҳуқуқи чекланмаяптими?*

Мамлакатимизда мактабгача таълим муассасаларига болаларни қабул қилиш 3 ёш этиб белгиланганi ҳақида турлича фикрлар билдириляпти.

Албатта, ёшни танлашда боланинг жисмоний, руҳий-психологик ва бошқа томонлама ўзини тўлақонли эплай олиши назарда тутилган. Бола ҳаётининг дастлабки йилларини кўпроқ онаси билан ўтказгани яхши, албатта. Чунки ҳеч ким болага ўз онасидан меҳрибонроқ, яхшироқ қарай олмайди.

Бироқ масалага бошқа жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, бу борада кўпчиликни қийнаётган муаммолар борки, улардан кўз юмиб бўлмайди. Ёш боласи бор аёллар билан суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз уларнинг ҳақли эътирозларини эшитиб қоласиз:

– Болаларни уч ёшдан боғчага қабул қилиниши бизга яхши бўлмади-да. Ҳозир уч ёшгача болага қараб ўтирадиган замонми? Аёл ишламаса, рўзғорнинг бир учини тортишиб, эрига кўмаклашмаса бўлмайди. Аввалги замонлардагидек қайнонага "боламни боқиб беринг!" дейишга ҳаққимиз йўқ. Уларнинг ҳам ўз иши, ташвиши бор. Хусусий боғча ёки энага ёллаш фалон пул, – дейди оналардан бири.

– Турмуш ўртоғим иккимиз мактабда ишлаймиз. Келин бўлиб тушган оилам жуда катта. Шу туфайли қайнонам "Узларингга алоҳида уй олинглар", дедилар. Турмуш ўртоғим билан келишиб, кредитга уй олдик. Янги уйга кўчиб ўтдик. Бу орада фарзандимиз туғилди. Ишхонамдан бола тарбияси учун таътил олдим. Оилани ҳам моддий жиҳатдан таъминлашга, ҳам кредит тўлашга турмуш ўртоғим имконияти етмаяпти. Болам икки ёшдан ошди. Бемалол овқатини ўзи ейди, гапиради, ҳожатга боришини айтади. Уни боғчага бериб, ишга чиқмоқчи эдим...

Боғчаларда икки ёшли болалар учун кичик гуруҳлар ташкил қилинишини истардим, – дейди яна бир ёш она.

Шундай муаммолар юзасидан дардини кимга айтишни билмай юрган аёллар, оналаримиз кам эмас. Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ривожлантириш ишлари жадал кетяпти. Аммо муаммолар ҳали-ҳануз барҳам топгани, айрим ўткир саволларга жавоб топилгани йўқ. Бу борадаги муаммоларни яхшилаб ўрганиб, нуқта қўйиш вақти келди. Аёл ишлашга муҳтожми, демак, у бунга ҳақли. У оиласи учун, фарзандларининг келажаги учун ишлаш истагида бўлса, унинг бу хоҳишини чеклаш нотўғридир. Чунки бу аёлларнинг меҳнат ҳуқуқи чекланишига олиб келиши мумкин.

Меҳнат кодекси 233-моддасига мувофиқ аёлларга туққунга қадар етмиш календарь кун ва туққанидан кейин эллик олти календарь кун (туғиш қийин кечган ёки икки ва ундан ортиқ бола туғилган ҳолларда — етмиш календарь кун) муддати билан ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари берилиб, давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақа тўланади. Ана шу муддатдан кейин аёллар ишга чиқиш ҳуқуқига эга эканини ҳам эсдан чиқармаслик керак.

Орамизда ўзига тўқ ва тинч оилалар кам эмас. Бундай оилаларда яшаётган аёллар истаса, бола тарбияси билан шуғулланиб уйда ўтириши мумкин. Агар хоҳласалар ҳеч иккиланмай хусусий боғчага фарзандини бера олади.

Аммо ҳамманинг ҳам моддий томондан бунга қурби етмайди. Таъкидлаб ўтганимдек, замон шиддат билан ўзгариб бормоқда. Одамлар ҳам замонга қараб яшашни ўрганмоқдалар. Фуқароларимиз учун яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланишиб, кредитга уй ва бошқа нарсалар харид қилишмоқда. Демак, айрим оилаларда фақатгина эркакнинг топгани кифоя қилмаяпти. Яхши яшаш учун аёллар ҳам ишлашга интилмоқдалар. Бу интилишни тўғри тушуниш ва имконият яратиш долзарб масаладир.

Ечилмайдиган ва ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Шундай экан, икки ёшли фарзандлари бор аёлларимизни ўйлантириб турган муаммо ҳам албатта ўз ечимини топади, деб умид қиламиз.

**Дилбархон МАМАЖОНОВА,**
**Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси,**
**халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари.**

*ЎзХДП депутатлари фаолиятидан*

# ДЕПУТАТЛАРИМИЗ АҲОЛИ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТМОҚДА

## *Депутатимиз Шоира Солметова фуқаро уй олишига ёрдам берди*

Сергели тумани 8 мавзе 71-уй 16-хонадонда яшовчи Азиз Маматхонов ўзини ўйлантираётган масала юзасидан халқ депутатлари Сергели туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Шоира Солметовага мурожаат қилди.

У уч хонали квартирада 16 нафар оила аъзолари истиқомат қилаётганини, бир нафар ногирон фарзанди борлигини маълум қилди. Азиз Маматхонов ҳуқуқий маслаҳат ҳамда амалий ёрдамга эҳтиёжи борлигини билдирди. Депутат зудлик билан ишга киришди. Тегишли ташкилотларга мурожаат қилиб, Азизбек билан бирга керакли ҳужжатларни тўлаб, туман уй-жой комиссиясига тақдим этишди. Жорий йилда Азизбекка бошланғич тўловсиз имтиёзли кредит асосида уй берилди.

— Биласизми, депутат Шоира Солметова ишсизлигимни билиб, маҳаллага жамоатчилик асосида ишга олди, — дейди Азизбек Маматхонов. — Энди уйнинг кейинги тўловларни ўзим тўлай оламан. Бундан жуда хурсандман.

Шу йилнинг ўзида депутат Шоира Солметова Муҳаммадюсуф Тошкенжонов ҳамда Вероника Макаровкаяга бошланғич тўловсиз икки ва бир хонали уй-жой топширилди.

Халқ депутатлари Сергели туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси ўзи сайланган 16-Соҳибқирон сайлов округида истиқомат қилаётган инсонларни номма-ном танийди. Уларни ўй-фикрлари, оилавий шароити ҳамда ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган масалаларни яхши билади. Муаммолар ечими юзасидан турли ташкилотлар эшигини таққиллатишдан чўчимайди. Шу боисдан ҳам мазкур сайлов округидаги масалалар ўз ечимини топмоқда.

### БАЛИҚЧИ ТУМАН ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРЛАРИ ҲИСОБОТ БЕРИШИ КЕРАК

Андижон вилояти халқ депутатлари Балиқчи тумани Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ташаббуси билан Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизлар, ногиронлиги бўлган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларнинг арзон уй-жой билан таъминланиш ҳолати тўғрисидаги масала ўрганилди. Унинг натижалари партия гуруҳи йиғилишида атрофлича муҳокама этилди.

ЎзХДП гуруҳи аъзоси Н.Ҳакимованинг айтишига қараганда, туманда уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилалар тоифасига қараб 6 тадан 10 тагача 2-3 хоналик квартиралар ва 2 сотихли 2-3 хонаси бор ҳовлилар берилиши маълум қилинган.

Лекин депутатлар улар ана шундай тоифага кирса-да, арзон уй-жойлар берилмаётганлигини айтишди. Шу масалада сайловчилар тез-тез мурожаат этишаётгани алоҳида таъкидлашди.

Ушбу масаланинг туманда бажарилиши бўйича ҳар бир депутат ўзи сайланган округ ҳудудида уйма-уй юриб ҳақиқий аҳволни ўрганиб чиқиши тўғрисида гапириб ўтилди. Масала муҳимлиги инобатга олиниб, уни халқ депутатлари туман Кенгаши Саноат, транспорт, қурилиш, коммунал хўжалик, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига киритиш, унда Хотин-қизлар қўмитаси раиси, туман ҳокимининг ўринбосари Г.Деҳқонованинг ахборотини эшитиш кераклиги ҳақида қарор қабул қилинди.

Шунингдек, партия гуруҳи йиғилиши қарорида халқ депутатлари туман Кенгашининг навбатдаги сессиясида туман ҳокимининг қурилиш масалалари бўйича ўринбосари С.Митиллаевнинг эшитувини ташкил этиш ташаббуси акс этди.

Халқ демократик партияси учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур масала доимий комиссия йиғилишида қандай муҳокама этилгани, қандай таклифлар билдирилгани ҳамда қабул қилинган қарор ҳақида хабар берамиз.

### ҚЎШТЕПАДА ДЕПУТАТИМИЗ ТАШАББУСИ БИЛАН МУАММО ҲАЛ БЎЛДИ

Фарғона вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари Дилбархон Мамаджанова сайловчилар билан бевосита мулоқотлар ўтказиб, аҳолини ташвишлантираётган муаммоларни ўрганиб келмоқда. Юзма-юз мулоқотларда ечимини кутаётган бир қатор муаммолар борлиги маълум бўлмоқда.

Фарғона вилоятининг Қўштепа тумани Борот МФЙ ҳудудидаги намунавий уйларда яшовчи 18 та хўжаликдаги фуқаролардан шикоят ариза келиб тушган эди. Маълум бўлишича, ушбу хонадонларга бир неча ойдирки ичимлик суви келмаётган экан.

Д.Мамаджанованинг саъй-ҳаракатлари билан қисқа фурсат давомида аҳолига тоза ичимлик сувини етказиб бериш мақсадида янги сув насоси ўрнатилиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг июль ойидан буён ичимлик суви тармоғидан узиб қўйилган Ёзёвон тумани "Қоратепа" МФЙдаги "Ифтихор" кўчасида яшовчи фуқароларнинг мурожаатлари ҳам ижобий ҳал этилди.

### ЖАРҚЎРҒОНЛИК ДЕПУТАТИМИЗ УЧ ТАШКИЛОТГА ДЕПУТАТЛИК СЎРОВИ ЖЎНАТДИ

Халқ демократик партияси фаоллари ва депутатлари сайёр қабуллар ташкил этмоқда. Навбатдаги сайёр қабул Жарқўрғон туманидаги "Порлоқ юлдуз" маҳалласида ўтказилди.

Унда Ўзбекистон ХДПдан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар иштирок этиб, аҳоли мурожаатларини ўрганишди.

Жумладан, "Порлоқ юлдуз" маҳалласи "Ёшлик" кўчасида истиқомат қилаётган 30 та хонадон аъзолари номидан фуқаро Баҳодир Донаев электр энергияси таъминоти масаласида қийналаётганлиги, кўчага янги трансформатор ўрнатиш кераклиги ҳамда суюлтирилган газ баллонларини олишда ёрдам сўраб мурожаат қилди.

Мурожаат юзасидан Жарқўрғон туман Кенгаши депутати Чори Юсупов томонидан Жарқўрғон туман газ филиали директори И. Мустафоқулов, Жарқўрғон туман электр тармоқлари корхонаси директори Б.Останақулов, Жарқўрғон туман йўллардан фойдаланиш директори Б.Чаққоновларга депутатлик сўровлари юборилди.

Сўровлар натижасида мазкур "Порлоқ юлдуз" МФЙ "Ёшлик" кўчасига 2020-йилги туман дастурига киритиш режалаштирилди ва ушбу масала депутат назоратига олинди.

**Маҳаллий партия кенгашлари**
**Ахборот хизматлари**
**ахборотлари асосида тайёрланди.**

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз».







# Янгиланаётган Ўзбекистон, янгича сайловлар

## *ва албатта тарғибот тадбирлари жойларда янги усулларда ўтказилмоқда*

**Зарафшон шаҳридаги Фавворалар сайилгоҳи ҳар қачонгидан ўзгача безатилган. Одамлар бу ерга ҳордиқ чиқариш учун кечки сайрга чиққан. Айтиш жоизки, "Биз мамлакатда фуқаролар ҳамжиҳатлиги ва ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлаш тарафдоримиз!" шиори остида ЎзХДП Зарафшон шаҳар кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбир кекса-ю ёшни бирдек мамнун этди.**

Тадбирни шаҳар кенгаши раиси Ш.Усманов кириш сўзи билан очиб, сайловларнинг юртимиздаги демократик жараёнларни жадаллаштиришдаги аҳамияти, партиянинг янги Сайловолди дастурида белгиланаётган асосий ғоя ва вазифалар ҳақида қисқача маълумот берди.

Янгича усулда ўтказилган тарғибот тадбири веломарафон спорт мусобақаси билан бошланди. Унда 350 нафар партиянинг фаол аъзолари, нуроний отахон-у онахонлар, ёшлар ҳамда ота-оналар фарзандлари билан иштирок этди.

– Узоқ масофани босиб ўтган бўлсак-да, сира чарчамадик, – дейди шаҳар ободонлаштириш бошқармаси бош ҳисобчиси Наврўз Турдиев. – Мақсад соғлом бўлиш ҳамда ёшларни оммавий спорт турларига жалб қилиш. Велосипедда саёҳатимиз жуда қизиқ ва таассуротларга бой бўлди.

– Мен «Ёшлик» маҳалласиданман, – дейди иштирокчилардан бири, 70 ёшли онахон Зинаида Клинова. – Авваллари партия тадбирлари зерикарли услубда маърузабозлик, давра суҳбатлари тарзида ўтказиларди. Бу галгиси жуда чиройли ва қизиқарли бўлди. Тадбирга келганимдан афсусланмадим. Невараларимнинг хурсандчилигини айтмайсизми? Улар ҳам мазза қилиб яйраб, ўйнаб-кулишди.

Тадбир доирасида кураш, югуриш, арқон тортиш спорт мусобақалари ҳам ташкил этилди. Барчани ортда қолдирган йигит-қизларга партиянинг совғалари топширилди.

Бундан ташқари, иштирокчиларга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов, сиёсий партиялар, мамлакатимиз парламенти фаолиятига оид ҳамда бошқа қизиқарли саволлар берилди. Уларга биринчи ва тўғри жавоб қилганлар совғаларга эга бўлди.

– Бу ерга дугоналарим билан келган эдим, – дейди Зарафшон шаҳар тиббиёт коллежининг 3-босқич талабаси Элмира Темирова. – Тадбир доирасида ўтказилган турли ўйинлар жуда қизиқарли бўлди. Саволларга жавоб бериб, совғага ҳам эга бўлдим. Энг асосийси, сиёсий партиялар, янги Сайлов кодекси ҳақида ҳам кўп маълумотлар олдим. Фойдали бўлиш билан бирга қизиқарли тадбир ташкил қилгани учун партия вакилларидан миннатдорман.

– Партиянинг янги Сайловолди дастурига киритилаётган долзарб ижтимоий масалалар, хусусан, «Яшаш минимуми» ва «Истеъмол саватчаси» тўғрисида қонунлар қабул қилиш зарурати борасидаги таклифлари менга жуда маъқул бўлди, – дейди яқинда 18 ёшни қаршилаган Асила Раҳимова. – Шунинг учун айнан Халқ демократик партияси сафида бўлишни истадим. Партиямиз ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, улар амалга ошиши учун мен ҳам куч-ғайратимни аямайман.

**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши Ахборот хизмати ходими.**

### УНУТИЛМАС ШОДИЁНАЛАР

Катта таассуротлар ва хурсандчиликка бой тарғибот тадбирлардан бири Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона шаҳар кенгаши томонидан Фарғона шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний мажмуасида ўтказилди. Янгича услубда бўлиб ўтган тарғибот тадбири фарғоналиклар учун унутилмас шодиёнага айланди.

Тадбир бошланишига ҳали анча вақт бор бўлишига қарамай, шаҳар марказидаги буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний мажмуасига аллақачон одамлар йиғилиб бўлишган.

Қаршимиздаги ЎзХДП байроғини баланд тутиб, ҳилпиратиб турган ҳамюртимиз билан суҳбатлашгимиз келди.

– Қўштепа туманиданмиз, – дейди биз билан суҳбатда Алишер Юнусов. – Тадбир ҳақида эшитиб, партияни қўллаб-қувватлаш ва кўнгилли ҳордиқ чиқариш учун оила аъзоларимиз билан етиб келдик. Одамларнинг кайфиятини, фаоллигини кўриб, хурсанд бўлдим. Ўйлайманки, партиянинг бундан кейинги ишлари ҳам, тадбирлари ҳам мана шундай оддий одамлар орасида, халқ билан ҳамнафасликда давом этади.

«Ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашамиз» шиори остидаги тарғибот тадбири ҳар қандай расмиятчиликдан холи тарзда очиқ майдонда бошланди. Буюк аллома Аҳмад ал-Фарғоний пойидаги саҳна байрамона тус олди. Карнай-сурнай садолари ва олқишлар жўрлигида тадбир бошланди.

Тадбирни Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси Д.Мамаджанова кириш сўзи билан очиб, партия биринчи навбатда давлат ва жамиятнинг манзилли ижтимоий ҳимоясига муҳтож аҳоли вакилларининг манфаатларини ифода этиши, ижтимоий тенглик ва адолат, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия ғоялари учун курашишини таъкидлади.

Фарғоналик санъаткор ва хонандаларнинг чиқишлари ҳаммага кўтаринки кайфият улашди. Ушбу тадбир самимий даврага айланди. Қувноқ қўшиқ ва рақсларга партия фаолларидан тортиб депутатлар ҳам жўр бўлишди. Ҳатто истироҳат боғида айланиб юрган чет эллик сайёҳлар ҳам даврамизга келиб, ўйин-кулгуларимизга қўшилди.

Тадбир якунида иштирокчиларга эсдалик совғалари улашилди.

**ЎзХДП Фарғона вилоят Кенгаши**
**Ахборот хизмати.**

### ҲАСАН АБРАЕВНИНГ ОРЗУСИ АМАЛГА ОШДИ

**Ҳасан Абраев яшашни, табиатдаги ўзгаришларни кузатишни севади. Адабиётга қизиқади. Атоқли ўзбек адиблари ҳамда шоирларнинг китобларини меҳр билан ўқийди. Ўзи ҳам шеър ёзишни машқ қилиб туради. Фақат хасталиги сабаб қўлига қалам тута олмаслиги уни бироз қийнайди. Албатта, дўстлари, тарбиячилар унга яқиндан кўмак бериб келмоқда. Аммо ижодкорга илҳом қачон келишини ҳеч ким билмайди-да...**

— Орзу қилишни яхши кўраман, — дейди Ҳасан Абраев. — Инсон умид билан яшаши, орзулари рўёбга чиқишига ишониши керак. Бошқаларни билмадиму, менинг орзуларим бирин-кетин амалга ошмоқда. Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ирода Абдуллаева бизни «Наврўз» боғига таклиф этди. Рости, тадбирнинг энг ҳаяжонли дақиқалари менга аталганини билмагандим. Ўртоқларим, Ҳасан сенинг исмингни айтишяпти, дейишганда ҳам эътибор бермадим. Кейин тарбиячимиз саҳнага олиб чиқиб, Ирода опа қўлимга ноутбукни тутқазганда жуда ҳаяжонланиб кетдим.

«Наврўз» боғида Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши томонидан ташкил этилган тарғибот тадбири ана шундай қувончли онларга бой бўлди. Ногиронлиги бўлган болалар, эҳтиёжманд оила вакиллари, боғга дам олиш истагида келган отахон-онахонлар, йигит-қизлар санъаткорларнинг ҳар бир чиқишини завқ билан кузатди. Биргаликда рақс тушишди. Айниқса, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов томонидан ижро этилган жаҳон операси дурдоналари йиғилганларга манзур бўлди.

Тадбир мобайнида Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Нигора Эшметова сўзга чиқиб, иштирокчилар билан самимий мулоқот қилди. Йиғилганларга партиямиз амалга ошираётган ишлар, депутатларимиз илгари сураётган ташаббуслар ҳақида гапирди. Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимоя ва фаровонлик учун курашишини таъкидлади.

— Очиғи, бир тадбирни ташкил этиш, ўтказиш, одамларни унга жалб этиш осон иш эмас, — деди **Ўзбекистон ХДП Шайхонтоҳур туман кенгаши раиси Ирода Абдуллаева.** — Тан олиш керак. Илгарилари маҳаллаларда, турли ташкилотларда давра суҳбатлари, семинарлар, тадбирлар ўтказардик. Уч-тўрт мутахассис минбарга чиқиб, илмий атамаларга бой маърузалар қилинарди. Буларнинг қанча қисми иштирокчиларнинг юрагига етиб боргани эса бизга номаълум. Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилаётган бугунгидек тарғибот тадбирлари эса узоқ вақт кўпчиликнинг ёдида қолишига ишонаман.

Ҳасан Абраев ҳақида гапирадиган бўлсам, бу болани бир неча йилдан буён биламан. Унинг аксарият шеърларини ўзим қоғозга туширганман. Биринчи китобини чоп этишда, тақдимотини ўтказишда кўмаклашдик. Бу партиямиз томонидан амалга оширилган энг кичик ишлардан бири, холос.

— Оила аъзоларим билан «Наврўз» боғига келдик, — деди Жамолиддин Файзуллаев. — Фарзандим телевизор орқали шу боғдаги чархпалакни кўрганини, унга чиқиб, сайр қилиш орзуси борлигини айтганди. Ўзингиз англаган бўлсангиз керак. Бизда тадбирни юқоридан томоша қилиш имкони бўлди. Чархпалакдаги сайрдан сўнг гумбаз остидаги тадбирни кузатдик. Барчаси яхши ташкил этилган, жажжи ўғил-қизларнинг рақслари, ота-оналарнинг уларга боқиб турган бахтли нигоҳларини кўриб тўлқинландим. Биз телевидение орқали расмий кийинган, жиддий қиёфадаги инсонлар тўпланиб, нималарнидир маслаҳатлашиб, муҳокама қилаётган мажлисларига ўрганиб қолган эканмиз. Бугунги тадбир бизда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Учтепа туман кенгаши томонидан «Uchtepa outlet» савдо марказидаги тадбир ҳам кўтаринки руҳда ўтди.

— Тўғриси, фарзандларим билан сайр қилиб, шу баҳонада уй юмушларидан чалғиш мақсадида ушбу савдо марказига келгандим, — дейди Шоира Тоирова. — Қизларим билан музқаймоқ еб ўтиргандик. Марказ майдонида бир гуруҳ ёшлар нималаргадир тайёргарликни бошлади. Қандайдир реклама воситаларини ўрнатишди. Хизматчи қиздан сўрасам, ҳозир Халқ демократик партиясининг тадбири бошланади, деб жавоб берди. Тадбирда қизим билан бирга иштирок этдик. Халқ демократик партияси илгари сураётган ташаббуслар ҳақида ҳам билиб олдик.

— Очиғи, Халқ демократик партиясининг тадбирлари ўзгача, ноодатий шаклларда, кўчалар ва боғларда ўтаётганини эшитгандим, — деди савдо маркази сотувчиси Аҳрор Шодиев. — Лекин партиялар фаолиятини кузатиб борганим учун бу гапга бироз ишонмагандим. Дўстларим Халқ демократик партиясининг «Халқлар дўстлиги» майдонидаги тадбири ҳақиқий шоу бўлди, дейишганди. Бугун гувоҳи бўлдимки, улар алдамаган экан. Тадбир бундай шоуга айланиб кетишини тасаввур ҳам қилмагандим.

Бундай тарғибот тадбирлари республикамизнинг турли ҳудудларида давом этмоқда.

**Фаррух ТОШХОДЖАЕВ,**
**Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши АКТ етакчи мутахассиси.**

### «БУНАҚАСИ БЎЛМАГАНДИ»
### Бўстонлиқ туманида ёмғир ёғди, лекин...

**Бугун қай гўшага борманг, қайси бир масканга қадам босманг одамларнинг хуш кайфияти, табассумини кўрасиз. Айниқса, сайловолди тарғибот тадбирларининг ранг-баранг, куй-қўшиқлар билан ноанъанавий тарзда ўтказилаётгани халқимизни партияларга, депутатларга ва уларни халққа яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ХДП эса бу борада фаолликни қўлдан бермай, одамлар орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқда.**

Хусусан, Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида партиямиз фаоллари ва хайрихоҳлари маданият ва истироҳат боғларидан тортиб, пахта далаларигача бориб, одамларни фаолликка, уюшқоқликка чорламоқда. Куни кеча ана шундай тадбир Бўка туман кенгаши томонидан ўтказилди. Тадбирлар Й.Хожиметов фермерлар уюшмасининг "Озод Рустам" фермер хўжалигида қизғин давом этди.

Пахта даласидаги теримчиларга мадад бериш мақсадида бир пиёла чой ташкил этилди.

— Маълумки, ҳар қандай суҳбат дастурхон атрофида янада файзли ва илиқ ўтади. Шу билан бирга, бир дастурхон атрофида ўтириш орқали ўртадаги ишонч, самимий муносабат янада мустаҳкамланади, — деди тадбирда иштирок этган **Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Сайёра Файзиева.** — Теримчи хотин-қизлар билан суҳбат чоғида уларни ўйлантираётган масалалар, турмуш тарзини яхшилаш борасида таклифлар ҳақида ҳам сўз борди. Вақтинча ишсиз опа-сингилларимиз билан алоҳида кунда учрашишга келишиб олинди.

*Илгарилари турли давра суҳбатлари, семинарлар, тадбирлар ўтказардик. Буларнинг қанча қисми иштирокчиларнинг юрагига етиб боргани эса бизга номаълум. Халқ демократик партияси томонидан ташкил этилаётган бугунгидек тарғибот тадбирлари эса узоқ вақт кўпчиликнинг ёдида қолишига ишонаман.*

Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, сайловга тайёргарлик жараёни ва сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалар уй-рўзғор, болча-чақа, оила мавзуларига уланди. Ўтган ҳар бир дам ўртадаги кўринмас деворни кўтариб, тезда самимий кулгу бошланди. Сокин ва ёқимли куйлар шўх қўшиқларга, қўшиқлар эса рақсларга кўчди. Йиғилганларнинг барчасида кўтаринки кайфият, шукроналик ифодаси бор эди.

Шу куни раҳбар ким, ким оддий ишчи фарқлаб бўлмасди. Ҳамма бир даврада ягона оиладек ўтирарди. Туман ҳокими ўринбосари М.Абдулазизова, Маънавият маркази, маданият бўлими вакиллари, партия фаоллари ва маҳалла аҳли яхши бир ишнинг гувоҳи бўлишди.

Айтишларича, яхшилик, яхши воқеа ва яхши нарсалар тез тугар экан. Бироқ инсон қалбига бир умрга муҳрланаркан. Ўйлаймизки, партиямизнинг бу каби самимий учрашувлари, оддий одамлар орасидаги тадбирлари хотираларда ҳамиша сақланади.

Эътибор беринг: 479 000 гектар ер майдони. 200 мингга яқин аҳоли. 50 дан ортиқ умумий ўрта таълим муассасаларию ўнлаб болалар боғчалари. Бу рақамларнинг барчаси Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманига тегишли. Асосан ўзбек, қозоқ, тожик ва рус миллатига мансуб аҳоли орасида корейс, татар, украинлар ҳам аҳил ва ҳамжиҳатликда яшаб келмоқда. Ҳар соҳада илғорлар қаторида бўлишга интилиб келаётган туман аҳли жорий йилги сайловларга ҳам ўзгача кайфият билан ҳозирлик кўрмоқда. Кеча кечга яқин туман ҳокимлиги биноси олдидаги майдонга йиғилганлар бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди тарғиботи, шиорлари, ғоялари акс эттирилган байроқлар, турли баннер ва ёзувлар ўтган-кетганнинг эътиборини тортди. Бир зумда атрофга одам йиғилди. Кимдир ишдан, яна кимдир ўқишдан қайтаётган бўлса-да, уйига шошилмасди. Ҳамманинг фикру хаёли «Бугун қандай янгиликнинг гувоҳи бўламиз экан?, «Бу партиянинг ўзига хослиги нимада экан?», деган сўзлар билан банддек гўё. Қизиқиш ва ҳаяжон билан воқеликни кузатишди.

Тошкент вилоят партия кенгаши раиси Сайёра Файзиеванинг «Сиз ХДПни биласизми?» деган саволи йиғилганлар диққатини тортди. Кимдир «ҳа», яна бошқаси «биламиз» деди. Табиийки, уларнинг орасида жим турганлар ҳам йўқ эмасди. Биргина савол ортидан партиянинг шиори, сайловолди дастури, ғоялари ҳақида тушунчалар берилди. Одамлар орасида ўзаро муҳокама бошланиб кетди.

— Мазкур партия ҳақида узоқ йиллардан буён биламан, — деди **Рихсим ота Махаматов.** — Аммо бунақаси бўлмаганди. Бир-бирига ўхшаш гаплар билан одамларни бир хонага йиғиб олиб, қоп-қоп ваъдалар берилар, афсуски, уларнинг кўпи қоғозда қолиб кетарди. Сўнгги пайтларда Ўзбекистон ХДП ва депутатлар қилган ишлар ҳақида бундай фикр билдириш қийин. Айниқса, бугунгига ўхшаш тадбирлар одамларнинг партияга, ислоҳотларга, янгиланишларга бўлган ишончини оширади. Ўйлайманки, бошланган бу хайрли иш мана шу руҳда давом этади. Зотан, ҳамюртларимиз ишончини оқлаш учун бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Қаранг, орамизда ёш йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Бу эса жамият яшаряпти, мамлакат янгиланяпти, дахлдорлик ҳисси ортяпти, дегани, болам.

Ҳаво ҳароратининг пасайиши ҳам, ёғиб ўтган ёмғир ҳам одамларни уйга кеткиза олмади. Чунки Халқ демократик партияси фаоллари тадбирга юракдан тайёргарлик кўрган, ноанъанавий дастур асосида уни ташкил этган эди. Йиғилганлар орасидан хоҳловчилар микрофон қаршисига чорланди. Интерактив ўйинлар ўтказилди. Табиийки, куй-қўшиқлар дилларни хушнуд этди. Шу куни, айниқса, совринга эга бўлганлар кайфияти ўзгача эди.

— Ўйинда иштирок этишни хоҳловчилар чақирилганда, дугонам югуриб чиқиб кетди. Мен эса панароққа ўтиб олдим, — дейди **Севара Тўйчиева.** — Ҳар соҳага тегишли савол-жавобларда у ғолиб бўлди. Ажойиб совға ҳам олди. Дугонамнинг қувончига шерикман. Ич-ичимдан нега мен ҳам қатнашмадим, дея афсусландим. Келаси сафар албатта мен ҳам иштирок этиб, ғолиб бўламан.

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши**
**Ахборот хизмати.**







Қачон тараққиёт бўлади? Қачонки, миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик бўлса.



### ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРСИЗЛАНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

**Жорий йилнинг 14 сентябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг қўшма қарори қабул қилиниб, «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказиш» тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.**

## Тўй ва маросимлар ҳар кимники, қонун эса ҳамманики

Низомга мувофиқ, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар фақат бир кун (дафн этиш маросими бундан мустасно) соат 06:00 ва 23:00 оралиғида ўтказилиши белгилаб қўйилди. Ҳудудларнинг шароитларидан келиб чиққан холда, халқ депутатлари туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан ош бериш маросимининг вақти алоҳида белгиланади. Соат 23:00 дан кейин тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни давом эттиришга йўл қўйилмайди.

Шунингдек, тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда 200 нафаргача, мазкур тадбирлар муносабати билан ошга 250 нафаргача киши қатнашади. Қўшалоқ тўйларда 250 нафаргача, у билан боғлиқ ош бериш маросимида эса 300 нафаргача киши иштирок этиши мумкин.

Ушбу маросимлар ҳар бир халқнинг ўзига хос удуми ҳисобланади. Бу каби анъаналарнинг бўлгани яхши албатта, аммо меъёр ва мезонга амал қилиш одатнинг чиройи эканлигини унутмаслик керак.

Афсуски, узоқ йиллардан буён тўйларимиздаги ортиқча дабдабабозлик ва исрофгарчиликнинг олдини олиш энг оғриқли муаммоларимиздан бири бўлиб келаётган эди. Бунинг бевосита инсон онги ва феъл атвори билан боғлиқлигини инобатга олсак, масаланинг нечоғли аҳамиятли эканини англаш мумкин.

Аслини олганда ортиқча исрофгарчилик ва кимўзарликни тартибга солиш жамиятда ўзини ҳурмат қилган ҳар бир фуқаронинг бурчи эмасми?

Шу ўринда бир ўтмишни ёдга олайлик: 30-40 йил олдин дабдабали тўйлар бўлмаган, юртга ош 20-30 кг гуруч билан ўтган. Келин-куёв базмлари 100-150 нафар одам билан ўтказилган эмасмиди? Маҳалла бош-қош бўлиб, оқсоқоллар билан келишиб тўй куни ва тадбирлари биргаликда белгиланганмасмиди? Тўйга, маросимга чиқа олмаган бемор ва камхарж оилаларнинг уйларига кириб хабар олиниши ҳам узоқ йиллик одатларимиздан бири эди аслида.

Ҳозирчи, катта тўй кошоналарида 200 кило гуручда ош дамлаб, кечқурунги базмда ёки оилавий тадбирлар ва маъракаларни ўтказишда 500-600 кишига дастурхон тузалмоқда. Бу тўқликка шўхлик эмасми? Ён қўшнимиз қийналиб яшасаю биз исрофгарчиликка йўл қўйсак. Ҳатто эҳсон ҳақида ўйламай, ундан ҳабар олмасак. Қани биздаги инсонийлик бурчи?

Бугун никоҳ тўйларнинг сарф-харажатларини ҳам тартибга солиш барчамиз учун алоҳида долзарб масала бўлиб турибди. Президентимиз айтганидек, қиз болани келин қилиб узатиш оддий ўқитувчи, шифокор ёки ишчи учун қанчалик қийинчилик туғдиришини қуда тараф билар эканми? Билади, билиб туриб айримлар бизнинг турмушимизга ёт нарсаларни келин тарафга юклайди. Яъни келин-куёв яшайдиган уйларни ясаттиради, янги гиламлар тўшатади, ойналарга пардалар остиради, ошхона ҳам мебель ва жиҳозлар билан тўлдирилади. Камига куёв тарафдагилар уялмасдан олиб келинган янги мебелларни чет элникими ёки ўзимизда ишлаб чиқарилганми шунга қараб қудаларига баҳо бериши ҳам одатий тусга айланиб боряпти. Шундай майда масалалар ортидан жанжал чиқариб, хатто тўйни бузишгача бориб етилаётгани онг, фаросат ва маънавий дунёмизнинг қандай даражагача тушиб қолганини кўрсатмоқда.

Аслида бу харажатлар куёв тарафнинг бўйнида эмасми? Авваллари шундай бўлганку. Нега ҳозирга келиб бу қадар одатлар ўзгариб кетди. Ҳамма бефарқ, келинга бериладиган маҳрни қўяберинг, ундан оғиз ҳам очилмайди. Бизнинг ҳозирги кунда йигитларимиздаги ғурур қаёққа кетди? Наҳотки келин тарафдан келадиган нарсаларга кўз тикиб ўтиради?

Маъракалардаги сарф-харажатлар, исрофгарчиликларни ҳам тартибга солиш, ота-она ва яқинларни эса борида қадрлаш, кўнглини олишимиз керак. Улардан бу дунёда меҳримизни аямайлик. Охиратлари учун ўтганларнинг ҳақига қилинган дуо, тиловат керак, холос.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, қўшма қарорда тўйлар ва маъракалардаги сарф-харажатларни қисқартириш, номақбул ҳолатлар ва исрофгарчиликнинг олдини олиш масалалари қамраб олинган. Демак, вазият шу даражага етдики, мана шу қарорга эҳтиёж туғилди. Урф-одат ва удумларимиз тартибга солиниши зарур. Буни барчамиз чуқур англаган ҳолда масалага жиддий ёндашишимиз лозим. Кимдир «шахсий ишим», «тўйимга аралашишга ҳақингиз йўқ» ёки яна бошқа важларни кўрсатади. Лекин одамлар орасида шов-шув тарқатиб, ўзини кўз-кўз қилаётган шахслар кимларнингдир уйи бузилиши, саломатлигидан айрилиши, баъзида аянчли ҳолат билан тугайдиган можароларга сабаб бўлиб қолаётганини унутмаслиги лозим. Ҳар бир ишда меъёр бўлиши талаб этилади. Исрофгарчиликни жуда катта гуноҳ эканини ҳам ҳамиша ёдда сақлаш керак. Ўлмас қадрият ва анъаналаримиз қадрсизланмаслигининг бош шарти шу, деб ҳисоблайман.

**Нўъмон АКБАРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**

**ДАВРА СУҲБАТИ**

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ миллатлараро тотувлик

**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририятида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Ўзбекистон миллий-маданий марказлари вакиллари иштирокида «Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик мамлакат тараққиётининг кафолати» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири Сафар ОСТОНОВ давра суҳбати бошланиши олдидан газеталаримиз тарихи, бугунги асосий йўналишлари тўғрисида маълумот берди.

Сўнгра Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бешинчи йўналиши диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш масалаларига қаратилгани замирида катта мақсад, маъно-мазмун борлиги тўғрисида тўхталди.

– Қачон тараққиёт бўлади? Қачонки, юртда тинчлик-осойишталик бўлса. Қачон тинчлик-осойишталик бўлади? Қачонки миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик бўлса, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат бўлса, – деди Бош муҳаррир.

Шунингдек, бугун ер юзида диний бағрикенглик, конфессияларaро ўзаро ҳурмат, ҳамкорлик тобора муҳим аҳамият касб этаётгани, Ўзбекистон Президенти ташаббуси асосида 2019 йилнинг 12 декабрида БМТ томонидан Маърифат ва диний бағрикенглик резолюцияси қабул қилинганига эътибор қаратди. Бугун республикамизда миллатлараро муносабатлар, миллий масала бўйича олиб борилаётган сиёсат тўғрисида миллий-маданий марказлар фаолияти тўғрисида фикрлашиш, дилингиздаги гапларни билиш, таклифларингизни эшитиш учун тўпланганмиз, – деди Сафар Остонов.

Давра суҳбатида қизиқарли маълумотлар келтирилди, турли фикрлар билдирилди.






**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси матбуот хизмати раҳбари:**

– Ўзбекистон имижини дунёда мустаҳкамлашда ўзбек халқига хос бағрикенглик катта роль ўйнайди. Бу хислатлар Иккинчи жаҳон уруши даврида тарихий ватанларидан Ўзбекистонга бадарға қилинган корейс, қрим-татар, немис, месхети туркларига ўзбек халқи кўрсатган меҳрибончиликлар мисолида яққол намоён бўлган. Бугун Республикамизда миллатлараро муносабатларга берилаётган эътиборни хорижий мамлакатлардан келаётган меҳмонлар, экспертлар алоҳида эътироф этишмоқда. Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат ўз миллий урф-одатлари, қадриятларини асраб-авайлаши, ривожлантириши учун катта имконият ва шароитлар яратиб берилганига ҳавас билан қарашмоқда. Дарҳақиқат, миллий-маданий марказлар жуда қимматли лойиҳаларни амалга оширишмоқда. Суҳбат давомида бунга ишонч ҳосил қиласизлар, деб ўйлайман.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмасам бўлмайди, ўтган йили мамлакатимизга Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг кам сонли миллатлар бўйича Олий комиссари Ламберто Заньер раҳбарлигидаги делегация келди. У Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустам Қурбонов билан учрашганидан кейин Фарғона водийси вилоятларидаги турли этник қатламларнинг ҳаёт тарзи, улар учун яратилган шароитлар билан танишди. Мамлакатда 7 тилда таълим олиб борилаётгани, турли миллат ва элат вакилларининг давлат бошқаруви ва жамият ҳаётидаги фаол иштироки унинг эътирофига сазовор бўлди. Улар юртимизда фаолият олиб бораётган қозоқ, тожик, қирғиз, рус, татар ва туркман миллий-маданий марказлари вакиллари билан учрашди, катта таассурот олишди. Ламберто Заньер мамлакатимизда олиб борилаётган миллий сиёсатга юқори баҳо берди.

Мен араб мамлакатларидан бирига борганимда, у ерда яшаётган ватандошларимиз билан мулоқотда бўлдим, уларнинг фикрларига қулоқ тутдим. Гарчи аждодлари бу юртга борганларига юз йилдан ошган, орадан икки-уч авлод алмашган бўлса-да, уларга ҳалигача фуқаролик берилмаган экан. Бизда ўтган уч йил мобайнида тақдир тақозоси билан бир пайтлар қўшни мамлакатлардан кўчиб келиб, шу ерда жойлашиб қолган, Ўзбекистонни ўз Ватани деб ҳисоблайдиган қанчадан-қанча инсонларга фуқаролик берилганини дунё аҳли яхши билади.



**Раҳматилло ЖАББОРОВ,**
**Ўзбекистон қирғиз миллий-маданий маркази раиси:**

– Эсларингизда бўлса, 1992 йил 13 январда МДҲ давлатлари ўртасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда Республика байналмилал маркази ташкил этилди, турли миллат вакиллари ўзларининг миллий-маданий марказларини ташкил этди. 2017 йилгача бу марказлар сони 138 тага етди ва Ўзбекистонда ўтказиладиган барча байрам ва тантаналарда ўз миллий урф-одатларимизни, қадриятларимизни намойиш этиб келаяпмиз. Айниқса, кейинги икки-уч йилда миллий масалага ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор қаратилаяпти. Ёндашув ҳам бошқача бўлмоқда, янги босқичга кўтарилмоқда.

Қирғиз миллий-маданий маркази 1995 йилда ташкил топган. Қирғиз миллатига мансуб аҳоли Ўзбекистоннинг турли жойларида ўзбеклар ва бошқа миллат вакиллари билан баҳамжиҳат яшайди. Масалан, Фарғона водийсининг ўзида 300 мингдан зиёд қирғиз яшайди. 56 та қирғиз мактаби бор, шундан 31 тасида дарслар фақат қирғиз тилида олиб борилади. Бунинг учун барча дарсликлар, ўқув қуроллари Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан таъминлаб берилаяпти. Андижон педагогика университетида қирғиз филологияси факультети бор, ҳозир Жиззах педагогика университетида ҳам очилаяпти. Бу нимани кўрсатади? Бу – Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир миллат вакилига Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, тенгҳуқуқлилик асосида фаолият кўрсатишга, ўз иқтидорини намоён этишига кафолат ҳисобланади.

Яна бир гапни қайта-қайта айтишдан чарчамайман. Биласизлар, 2017 йилда Президентимиз ташаббуси билан Дўстлик туманидаги қирғизлар яшайдиган «Манас» қишлоғида «Обод қишлоқ» дастури асосида бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Маълумки, ўтган асрнинг 66-йилларида чўл ҳудудида қурилган уйлар, кўчалар жуда хароб аҳволга келиб қолган эди. Ана шу ҳудуд 45 кун ичида бутунлай янги шаҳарчага айланди. «Маржон» бадиий-ҳаваскорлик ансамблини ташкил этдик, унга Халқ ансамбли мақоми берилди.

Яқинда Қувасой шаҳри ташкил этилганининг 65 йиллиги муносабати билан ўша ерга бориб қолдим. Қирғизлар бу ерга келадиган меҳмонлар учун улкан ўтов қуришибди, ичида шаҳардагидан қолишмайдиган шарт-шароитлар қилиб қўйилган. Бу ерда рус, тожик, корейс, қирғиз, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари қадриятларининг ўзига хос намойишининг гувоҳи бўлдик.

**Мен жуда кўп юртларда бўлганман, кам сонли миллат вакилларнинг камситилиш ҳолларини кўрганман. Барча миллат вакилларига тенг ҳуқуқ ва имконият яратиб берган Ўзбекистондай мамлакат ҳеч қаерда йўқ! Мен бунга аминман.**



**Владимир БОЙКО,**
**Славутич номли Украин миллий-маданий маркази бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими:**

– Ўзбекистон буюк Ипак йўли чорраҳасида жойлашган, қадим-қадимдан бу ерга турли мамлакатлардан келган турли миллат вакиллари ўтроқлашиб қолган. Ана шундай тақдир тақозоси билан Ўзбекистон ҳудудида украин халқи вакиллари 2 минг йиллардан буён яшайди. Лекин шу давр ичида бирор марта икки халқ ўртасида ихтилоф чиқмаган.

**Ўтган асрнинг 30-йилларида очарчилик туфайли юзлаб украинлар бир бурда нон топиш илинжида Ўзбекистонга келган ва ўзбек халқи уларни меҳр билан қабул қилган, нон берган. Шунинг учун «Тошкент нон шаҳри», деб бежизга айтишмайди. Иккинчи жаҳон урушида ўзбек халқи яна минг-минглаб оилаларни, етим болаларни ўз бағрига олди, ҳеч ким кўчада қолгани йўқ. Буларни кўз ёшсиз эсламай бўлмайди. Ўзбек халқининг бағрикенглигини, болажонлигини ҳеч бир тарози билан ўлчаб бўлмайди.**

Миллати, ирқи ва диний эътиқодидан қатъи назар, фуқаролар онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида «Ўзбекистон — умумий уйимиз» шиори остида ўтказилаётган тадбирларда, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни, Мустақиллик байрамларида, юртимизда яшаётган турли миллат вакилларининг урф-одат ва анъаналари тадбирларида украин миллий-маданий маркази фаол қатнашиб келаяпти.

Ўзбекистонда яшаб келаётган, ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этаётган, ўз иқтидорини намоён қилаётган миллатимиз вакиллари ҳукумат томонидан муносиб тақдирланиб келинмоқда. Масалан, бошқарув аъзоси, истеъдодли хонанда Зинаида Соловей Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди, машҳур олимимиз Зиновьий Навицкий ҳам ҳукумат мукофоти билан тақдирланган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Мана, яқинда Ўзбекистон давлат консерваториясида украин миллий-маданий маркази, Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси, Украинанинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси ҳамкорлигида украин халқ қўшиқлари биринчи фестивали ўтказилади. Ундан кейин Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан давра суҳбати ташкил этилади. Буларнинг ҳаммаси бизни қувонтиради. Биз барча миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатликда Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этаётганимиздан хурсандмиз.



**Сергей МИРОНОВ,**
**Ўзбекистон рус миллий-маданий маркази бошқаруви раиси.**

– Мен Россияда туғилган бўлсам ҳам, онгли ҳаётим давомида Ўзбекистонда яшаб келаяпман. Ҳозирги даврда дунёнинг кўп жойларида миллий этник зиддиятлар мураккаблашиб бормоқда. Ҳаммамиз кўриб турибмиз илгари собиқ иттифоқ таркибида бўлган баъзи давлатларда оз сонли миллат вакилларини очиқдан-очиқ камситиш ҳолатлари кузатилаяпти. Лекин Ўзбекистонда барча миллат ва элат вакиллари аҳил бўлиб яшаяпти, ҳар бир инсон ўзининг эзгу мақсадларини рўёбга чиқариш имконига эга. Бунинг учун мен энг аввало, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган ишлар таҳсинга сазовор деб биламан.

**Барча миллий-маданий марказларнинг самарали фаолият олиб бориши учун давлат томонидан ҳар томонлама кўмак берилаяпти, турли миллат вакилларининг ўз она тили, маданияти, санъати, ҳунармандчилиги ва миллий қадриятларини ривожлантиришга эътибор қаратилаяпти.**

Ҳозир Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоят, шаҳар ва туманларида марказнинг 23 та маданий-маърифий тузилмалари фаолият кўрсатиб турибди. Ўтган йиллар мобайнида улар сон жиҳатидангина эмас, сифат жиҳатидан ҳам ўсди. Кўпгина масалалар ана шу марказнинг ўзида ҳал этилмоқда.

Рус миллий маданий маркази 1994 йилда ташкил топган бўлиб, бу йил унинг 25 йиллигини нишонладик. Ўзбекистоннинг барча жойларида 200 дан зиёд тадбир ўтказилди. Байрамга жуда катта тайёргарлик кўрдик. Тадбир доирасида халқаро конференция ўтказдик, унда Россия Федерациясидан келган меҳмонлар, барча миллий-маданий марказлар вакиллари, Президентнинг давлат маслаҳатчиси Рустам Қосимов ва бошқалар қатнашди.

Тадбир доирасида Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазири Кирилл Лавровнинг бизга йўллаган байрам табриги ўқиб эшиттирилди, жуда хурсанд бўлдик. Меҳмонлар Сергей Есенин уй-музейи кўришди, Пушкин ҳайкали, Иккинчи жаҳон уруши йилларида 14 нафар етим болани асраб олган Шомаҳмуд Шоаҳмедов ҳайкали мажмуасига гулчамбарлар қўйилди. Айтганча, гул қўйиш маросимида темирчи устанинг асраб олган қизи ҳам қатнашгани қувончли бўлди. Шундан кейин Халқлар дўстлиги санъат саройида таниқли ўзбек-рус хонандалари иштирокида галаконцерт намойиш этилди.

**Президентимизнинг Ўзбекистон мустақиллигининг 28 йиллиги муносабати билан қилган маърузасида қандай муваффақиятга эришаётган бўлсак, бу кўп миллатли халқимизнинг фидокорона меҳнати самарасидир, деган гаплари менинг хотирамга муҳрланиб қолган. Бундай эътибордан биз хурсандмиз, албатта.**

**Бугунги кунда Ўзбекистонда 800 мингга яқин рус миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Мустақиллик йилларида халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилиб, фан-техника, тиббиёт, спорт ва бошқа соҳаларда юксак натижаларга эришган 700 нафарга яқин рус миллати вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлди.**

Марказ томонидан ҳар йили январь ойида Рождество кечалари, февраль-март ойларида Масленица, апрель-май ойларида Пасха байрамлари ўтказилади. 1994 йилдан буён ҳар йили рус ёзуви ва адабиёти анъаналарига бағишланган славян маданияти ва ёзуви кунлари ўтказилиб келинади. Рус тили бугунги кунда миллатлараро ва давлатлараро тил сифатида кенг қўлланилаяпти. Марказ томонидан ишлаб чиқилган дастур бўйича рус тилини ўрганишни истаган, миллатидан қатъи назар, барча фуқаролар учун бепул курслар ташкил этилган бўлиб, унда турли миллат вакиллари тил ўрганмоқда.

## «Бу халқнинг ўзи ҳам, тили ҳам азиз»

# КУЧ-ҚУДРАТИ

## *ва бағрикенгликдадир*



**Людмила НИ,**
**Ўзбекистон корейс миллий-маданий маркази ассоциацияси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари:**

– 2017 йилда Ўзбекистондаги корейс диаспораси шу заминда яшаётганининг 80 йиллигини нишонлади. Ўтган асрнинг 37-йилида Сталин репрессияси туфайли Узоқ шарқдан 74 мингдан зиёд корейс **Ўзбекистонга бадарға қилинган эди. Ўзбек халқи уруш арафаси қийинчиликларига қарамай, уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатди, охирги бир бурда нонини, бир пиёла сутини бирга баҳам кўрди. Айтиш керакки, корейс ва ўзбек халқи турмуш тарзида, ватанга муҳаббат, оилага садоқат бобида яқин ўхшашликлар бор.**

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин бу ерда яшаётган корейс халқи бошқа миллат вакиллари каби ўзининг кўп асрлик урф-одатлари, маданий мероси, она тили ва қадриятларини авлоддан-авлодга етказиш, уларни ривожлантириш имконига эга бўлди.

Корейс халқининг Ўзбекистонда муқим ўрнашиши ва томир отишида ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва бағрикенглиги муҳим роль ўйнади. Ўтган 80 йил мобайнида улар ўз миллий қадриятларини сақлаган ҳолда Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг ажралмас қисмига айланди. **Шу давр мобайнида улардан 283 нафари Ўзбекистон ҳукуматининг юқори унвон ва мукофотларига сазовор бўлди. Хевадаги Меҳрибонлик уйи директори бўлиб узоқ йиллар меҳнат қилган Вера Борисовна Пак Ўзбекистон қаҳрамони унвони билан тақдирланди. Икки нафар Ўзбекистон Фанлар академияси аъзоси, икки нафар олий ўқув юрти ректори, юзлаб турли соҳаларда муваффақиятли ишлаётган корейс миллатига мансуб инсонлар бор. Бугун турли даражадаги халқ депутатлари Кенгашларида 8 нафар корейс миллатига мансуб фуқаро фаолият юритаяпти, Ўзбекистон корейс миллий-маданий маркази ассоциацияси раиси Виктор Пак Олий Мажлис депутати, Агрепина Шин Мактабгача таълим вазири ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси корейс халқининг бугунги ислоҳотларда фаол иштирок этаётганини кўрсатади.**

Яқинда пойтахтимиздаги Корейс маданияти ва санъати уйида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Ўзбекистон корейс миллий-маданий марказлари уюшмаси билан ҳамкорликда «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашда миллий-маданий марказларнинг ўрни» мавзусида мулоқот ўтказди. Биласизми, бу тадбир жуда катта байрамга айланиб кетди. Ўзбекистонда яшаётган корейс, қрим-татар, немис, рус, украин, уйғур, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари ўз ҳунармандчилик, пазандалик кўргазмалари билан қатнашди, барча тилларда куй-қўшиқлар янгради.

Миллатлараро муносабатлар соҳасида яхлит сиёсатни амалга ошириш, давлат бошқаруви ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш, турли миллат ва элат, дин вакиллари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича кўпгина лойиҳаларимизни ана шу тадбирда экспертлар эътиборига ҳавола этдик. Бу борада бир қатор вазифалар ҳам белгилаб олинди.

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил апрель ойида Навоий вилоятида бўлганида, Учқудуқ, Томди туманларида аҳоли турмуш тарзи билан танишди. Натижада мазкур туманлардаги бир қанча қишлоқлар, шу жумладан, Жузқудуқ қишлоғи ҳам «Обод қишлоқ» дастурига киритилди. Бу ерда яшайдиган 56 та оила учун тўрт ой ичида янги маҳалла гузари қуриб берилди. 52 нафар ўғил-қизларимиз учун замонавий 9 йиллик мактаб барпо этилди, қишлоқ врачлик пункти қурилди, аҳолига тез тиббий ёрдам беришни ташкил этиш мақсадида унга Дамас автомашинаси ажратилди. 22 нафар кичкинтойлар учун мактабгача таълим муассасаси қурилди.*



**Серикбой УСЕНОВ,**
**Ўзбекистон қозоқ миллий-маданий маркази раиси:**

– Ўзбекистонда қозоқ миллий-маданий маркази ташкил этилганига 30 йил, Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтганига 27 йил бўлди. Ўзбек-қозоқ дўстлиги аслида минг йилликларга бориб тақалади. Лекин ҳеч қачон «сен қозоқ, мен ўзбек», деб бир-бирининг кўкрагидан итарган эмас. Яқинда олинган маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда 3,5 миллиондан зиёд қозоқ яшар экан. Лекин бу ерда миллат саноғи роль ўйнамайди, энг муҳими, аҳиллик, тотувлик, бағрикенглик юқори туради.

Эътибор беринг, Ўзбекистонда 376 та қозоқ мактаби бор. Бир қатор олий ўқув юртларида қозоқ филологияси факультетлари фаолият кўрсатаяпти. «Обод маҳалла» дастурига киритилган Мирзачўл туманидаги Гагарин шаҳрини бориб кўринг, танимай қоласиз. **Ўзбекистонда мустақиллик йилларида 89 нафар кишига Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган бўлса, шундан 14 таси бошқа миллат вакиллари, 3 нафари қозоқ миллатига мансуб. Қирққа яқин фан доктори, профессор, 250 дан ошиқ фан номзодлари Ўзбекистонда яшаб, ўз билимини, бой тажрибасини ёшларга ўргатаяпти.**

Боя Бош муҳаррир ўринбосири Татьяна Кистанова янги лойиҳалар, ғоялар ҳақида сўради. Бизда ғоялар, лойиҳалар жуда кўп. Мактаб ўқувчилари учун ўзбек адабий тилининг асосчиси, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достонини, ғазалларини, халқимизнинг суюкли шоирлари, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповларнинг шеърларини қозоқ тилига таржима қилиб, дарсликларга киритдик. Жойларда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳалима Худойбердиева мактаблари ташкил этилмоқда. Биз ҳам Навоий шаҳрида Абай мактабини ташкил этиш ҳақида иш олиб бораяпмиз, бу ҳақда ҳукуматга ҳам мурожаат этдик.

2020 йилда қозоқ ва ўзбек халқининг фахри бўлган буюк оқинимиз, шоир Абай Қўнонбоевнинг 175 йиллиги, буюк мутафаккир бобокалонимиз ал-Форобий таваллудининг 1150 йиллиги халқаро миқёсда нишонланади. Ҳозир ана шу тадбир доирасида жойларда учрашувлар ўтказаяпмиз. Яқинда бир коллежда учрашув ўтказилганида, ўқувчилар Абай ҳаёти ва фаолияти ҳақида иншо ёзишди. Унда биринчи ўринга сазовор бўлган ўқувчига «Спарк» автомашинаси, қолган ўринларни олганларга музлатгич, Қозоғистондаги олий ўқув юртига бепул йўлланма берилди.

Навоий вилоятининг адоқсиз саҳрочўллардан иборат Учқудуқ туманидаги Жузқудуқ қишлоғи хароб аҳволга тушиб, тамоман ҳувиллаб қолган эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2018 йил апрель ойида Навоий вилоятида бўлганида, Учқудуқ, Томди туманларида аҳоли турмуш тарзи билан танишди. Натижада мазкур туманлардаги бир қанча қишлоқлар, шу жумладан, Жузқудуқ қишлоғи ҳам «Обод қишлоқ» дастурига киритилди. Бу ерда яшайдиган 56 та оила учун тўрт ой ичида янги маҳалла гузари қуриб берилди. 52 нафар ўғил-қизларимиз учун замонавий 9 йиллик мактаб барпо этилди, қишлоқ врачлик пункти қурилди, аҳолига тез тиббий ёрдам беришни ташкил этиш мақсадида унга Дамас автомашинаси ажратилди. 22 нафар кичкинтойлар учун мактабгача таълим муассасаси қурилди. Ўйдим-чуқур бўлиб ётган ягона кўчага асфальт ётқизилиб, чироқлар ўрнатилди. Энди бу ерда ҳаёт қайнаяпти, маҳаллий аҳоли учун кичик тадбиркорлик корхоналари ташкил этилаяпти. Қаранг, олис бир саҳроюи-биёбонда, жуда озчиликни ташкил этадиган аҳолига қанчалик ғамхўрлик! Буни сўз билан таърифлаб бўлмайди.

Бугунги кунимизга кўз тегмасин. Ўзбек-қозоқ халқи эт билан тирноқдек, уни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Яна бир гапни айтиш эсимдан чиқибди, миллий-маданий марказимиз туризмни ривожлантириш устида ҳам иш олиб бораяпти. Бизнинг саъй-ҳаракатимиз билан 2018 йилда 50 минг, 2019 йилда 70 минг қозоғистонлик сайёҳлар Ўзбекистоннинг диққатга сазовор жойларини кўриб кетишди. Кейинги йилда улар сонини 200 мингга етказиш ҳаракатини қилаяпмиз.



**Ильхамия ЯЗЫДЖИЕВА,**
**Тошкент шаҳар қрим-татар миллий-маданий маркази фаоли:**

– Биз қрим-татарлар ўзбек халқидан жуда миннатдормиз. Бунинг сабаби шундаки, 1944 йилда қрим-татарлар гарданига «сотқин» деган тамғани босиб, тарихий ватанидан Ўзбекистонга кўчиришганига қарамасдан, ўзбек халқи бу ерга келган оилаларга ўз бағридан жой берган, бир бурда нонини бирга баҳам кўрган. Ўшанда отам урушда бўлган экан, буви-боболаримизни, қариндош-уруғларимизни Самарқанд вилоятининг Булунғур туманига кўчириб келишган. Отам урушдан қайтиб, сўраб-суриштириб, оиласини топиб келган. Шундан кейин мен туғилганман.

**Онам мактабда ўқитувчилик қилган. Булунғурда корейс, қрим-татар, немис, рус, украин, уйғур, туркман, тожик ва бошқа миллат вакиллари жуда аҳил яшаган. Онам менга, уларга ўзбек тилини ўрганинглар, дунёнинг ҳар томонидан сиғинди бўлиб келган турли миллат вакилларига уйининг, қалбининг тўрини берган бу халқнинг ўзи ҳам, тили ҳам азиз, дерди. Шахсан мен ўзбек халқининг меҳрини ҳеч нарсага алмаштиролмайман. Чунки бундай меҳрли, кўнгли очиқ халқни бошқа жойда учратганим йўқ. Шунинг учун бирор жойга бориб, узоқроқ қолиб кетсам, Ўзбекистонни соғинаман, тезроқ қайтиб келишга ошиқаман.**

Қрим-татар миллий-маданий марказида ёшларга урф-одатларимизни, ёзувларимизни ўргатамиз, Ўзбекистонда ўтказиладиган барча байрамларда, тадбирларда ўз урф-одатларимизни намойиш қиламиз, қўшиқлар куйлаймиз. Бундан ташқари, ҳар йили 22 сентябрда ҳосил баракаси ва тўйлар мавсуми сифатида нишонланадиган «Дервиза», янги йилнинг бошланиши сифатида 22 декабрда нишонланадиган «Йил гежеси» каби байрамларимиз бор, бу тадбирларни бошқа миллат вакилларини таклиф этиб, улар билан бирга нишонлаймиз. 22 декабрда ўзимизнинг «кубете» деб аталадиган улкан пирогимизни пишириб, ўртасига қайнатиб пиширилган тухум қўямиз. Бу янги йилнинг бошланиши, келажагимиз ойдин бўлиши маъносини англатади.

**Исроил элчиси Ўзбекистонга таъриф берганида: «Бу мамлакат яҳудийлар қувғин қилинмаган дунёдаги ягона мамлакатдир»** деган экан. Қрим-татар миллий маданий маркази фаоли Фебзи Якубовнинг ёзган китобида шундай сатрлар бор: **«Сингапур микротехнология, Германия саноат техникаси, Нидерландия қишлоқ хўжалигида энг илғор ўринда туради десак, унда шак-шубҳасиз Ўзбекистон бошқа миллат ва элатларнинг шаъни ва қадр-қимматини қадрлашда энг олий ўринда туради».** Бу қрим-татар халқи таниқли вакилининг самимий эътирофи, ўзбек халқига берилган баҳоларнинг энг аълоси, деб ҳисоблайман. Биз Ўзбекистондай бағрикенг юртда яшаётганимизга шукрона айтамиз.



**Жахсилиқ ЖЎРИКБОЕВ,**
**қозоқ миллий-маданий маркази Чирчиқ шаҳар бўлими раиси:**

– Мен илгари Чирчиқда автобус паркида ишлаганман. Санъатдан ҳам хабарим бор, буюк оқинимиз Абай шеърларига куй басталаб, йиғинларда ижро этаман. 2018 йилда телевизорда Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг учрашувини, уларнинг бир-бирига меҳр-муҳаббатини кўриб, ўша кеча ухлолмай чиқдим. Эртаси куни эрталаб шаҳар ҳокимининг ҳузурига кирдим, ўзбек-қозоқ дўстлигининг рамзи сифатида ўзимга тегишли жойдан Дўстлик уйи қурмоқчилигимни билдирдим. **Ҳоким менинг бу ташаббусимни қўллаб-қувватлади, Ҳозир 2 қаватли Дўстлик уйи битай деб қолди, Худо хоҳласа, бу ерга 9 та миллий-маданий марказ жойлашади. Чирчиқ давлат педагогика институтида қозоқ филологияси факультети** очилиб, **бу йил 25 нафар талаба қабул қилинди.** Шулар орасидан санъатга иштиёқи, истеъдоди бўлган ёшларни танлаб олиб, ансамбль тузмоқчиман. Бу борада институт раҳбарияти билан меморандум имзоладик.

Ўтган йили Қозоғистонда Ўзбекистон йили ўтказилган эди, бу йил Ўзбекистонда Қозоғистон йили деб эълон қилинган. Ана шу муносабат билан биз шу йилнинг декабрь ойида Абай таваллуд топганлигининг 175 йиллигига бағишлаб фестиваль ўтказишни ва талабалар билан бирга спектакль қўйишни режалаштирганмиз, шунга тайёргарлик кўраяпмиз. Биз оға-ини халқмиз, шундан фахрланамиз.



**Ўлжабой ҚАРШИЕВ,**
**мустақил журналист:**

– Маълумотларга қараганда, ҳозир дунёда 13 миллион бола тўйиб овқат емайди, кийим-кечаги йўқ, мактабга бормайди, чунки имконияти йўқ. Бизда Худога минг қатла шукр, бу ерда яшаётган барча миллат вакиллари фарзандлари учун ҳамма шарт-шароитлар муҳайё қилинган, улар тинч-фаровон мамлакатда униб-ўсаяпти.

Кейинги икки-уч йил ичида Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан мактабгача таълим, халқ таълими, олий таълим соҳасида амалга оширилган ва давом этаётган ислоҳотлар халқимизни қувонтирмоқда, дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Турли миллатлар вакиллари ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини шакллантиришда албатта миллий-маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолияти беқиёс ва уларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лекин таассуф билан айтиш керакки оммавий ахборот воситалари ана шу масалани етарлича ёритиб бормаяпти. Буни биз журналистлар тан олишимиз керак.

Бугун дунёнинг мафкуравий манзараси кундан-кунга ўзгариб бормоқда. Айрим мамлакатларда юз бераётган беқарор вазият эртага қандай бўлишини ҳеч ким билмайди. Ана шундай бир шароитда неча минг йиллик тотувлик ва аҳиллик анъанасига эга бўлган Ўзбекистон дунё халқларининг тинчлиги ва омонлиги учун намунадир, деб ўйлайман.

Ўзбекистонда Далварзинтепа манзилгоҳидан уд чалаётган будда ҳайкалчаси топилиши, диний конфессияларнинг эркин фаолияти, хоҳ мусулмон, христиан ёки яҳудий бўлсин, ҳазрати Дониёр қабри зиёратига шошилиши бу заминда азалдан бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик устувор бўлганлигидан далолат беради.

**Инсонга нима керак? Тинчлик керак. Тинчлик бўлмаган жойда хотиржамлик, барқарорлик бўлмайди, Миллатчилик, сепаратизм каби сиёсий ўйинлар, фитналар аслида маълум бир манфур сиёсий оқимларнинг миллатларни бир-бирига гижгижлатишга, ўйиндан ўт чиқаришга қаратилганини ҳаммамиз яхши англаб етмоғимиз керак.** Уларнинг найрангидан ҳамиша огоҳ бўлиб яшашимиз, халқлар, динлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашимиз кундалик ишимизга айланиши керак. Чунки Бош Қомусимизнинг 31-моддасида ёзилганидай, Ўзбекистонда ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади.



**Фирдавсий ГУСЕЙНОВ,**
**Озарбайжон миллий-маданий маркази раиси:**

– Бизнинг миллий-маданий марказимиз ўз таркибида 7 та ҳудудий филиалларни бирлаштирган бўлиб, улар Самарқанд, Бухоро, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари, ва Тошкент шаҳрида фаолият юритади. Ўзбекистондаги 40 мингдан ортиқ озарбайжон диаспораси бошқа миллатлар вакиллари билан ҳамжиҳатликда яшайди. Улар орасида турли соҳада муваффақият қозонган, мамлакат иқтисодиётига катта ҳисса қўшаётган касб эгалари, тадбиркорлар, зиёлилар, фан докторлари ва профессорлар бор.

**Биз ўзимизни Ўзбекистон фарзанди деб биламиз ва бундан фахрланамиз.** Миллий-маданий марказимиз қошида оқсоқоллар кенгаши, хотин-қизлар кенгаши фаолият олиб боради.

Улар миллий қадриятларимизни, анъаналаримиз, урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ривожлантиришда ёшларимизга ўрнак бўлиб келмоқда. Шунингдек, марказ қошида халқ чолғу ансамбли, бадиий ҳаваскорлик ансамбли, рақс ансамбли ишлаб турибди.

Ўзбекистонда ҳукм сураётган миллатлараро бағрикенглик асосини ЮНЕСКО томонидан «16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни» декларацияси, Ўзбекистоннинг Конституцияси ва тегишли қонунлари, «Ҳаракатлар стратегияси» ва Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТнинг 72-Ассамблеясидаги маърузасида илгари сурилган ғоялар ташкил этади, десам янглишмаган бўламан.

Олий Мажлис қошида нодавлат-нотижорат ташкилотларга грант тариқасида моддий ёрдам кўрсатадиган Жамоат фонди бўлиб, бизга ҳам икки марта грант берилди. Бизнинг минглаб йигит-қизларимиз турли олий ўқув юртларида таълим олаётир. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатда ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бундан жуда хурсандмиз. Фурсатдан фойдаланиб, Президентимизга инсонпарвар сиёсати, барча миллатлар манфаатини ўйлаб олиб бораётган ислоҳотлари учун миннатдорчилигимизни билдираман.

**Давра суҳбати давомида юртимиздаги бағрикенглик, миллатлараро ва динлараро муносабатлар, ўзаро тотувлик мустаҳкамланиб бораётгани кўп таъкидланди. Шунингдек, қўшни республикалар билан чегаралар очилгани, борди-келди эмин-эркин йўлга қўйилгани миннатдорлик билан тилга олинди.**

**Бош муҳаррир Сафар Остонов таъкидлаганидек, Давра суҳбати давомида бир масала алоҳида сезилиб турди. «Ўзбекистон – умумий уйимиз», деган сўзлар оддий шиор эмас, балки юртимизда яшаётган барча миллат ва элатлар вакилларининг қалб садосидир. Улар «Шу азиз Ватан барчамизники», деб яшамоқда ва шу Ватан тараққиёти йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.**

**«Ўзбекистон овози» мухбири**
**Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.**



**ЎЗБЕКИСТОН КЎЗИ ОЖИЗЛАР ЖАМИЯТИ:**

**Пойтахтимизда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятининг навбатдаги қурултойи олдидан матбуот анжумани ўтказилди. Унда мутахассислар томонидан тизимда амалга оширилган ишлар, келгуси режалар таҳлил этилди.**

# Муаммо, таҳлил ва ечим

Дастлаб, Ўзбекистон Кўзи ожизлар жамияти Марказий бошқаруви раиси Эргаш Норпўлатов жамиятнинг сўнгги беш йиллик фаолияти хусусида тўхталиб ўтди.

— Бугунги кунда жамиятимиз тизимида 14 ҳудудий, 178 та маҳалий бўлинмалар ҳамда 46 та ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси фаолият олиб бормоқда, — деди у. — Инсон ҳаётида меҳнат ва бандлик масаласи муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ногиронлиги бўлган инсонлар бандлигини таъминлаш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Айни вақтда жамиятимиз аъзолари сони 46 минг нафардан ошди. Шундан 2848 нафари иш билан таъминланган, холос. Албатта, мазкур рақам билан мақтаниб бўлмайди, бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини англатади. Шунингдек, кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг таълим олишида ҳам ечимини кутаётган муаммолар бор. Мактаб-интернатларда таҳсил олаётган болалар учун махсус ўқув қуроллари, дарсликлар етишмайди. Натижада ногиронлиги бўлган болаларнинг тўлақонли билим ва кўникмаларни эгаллашига салбий таъсир кўрсатмоқда. Жамиятимиз юқоридаги муаммоларни ҳисобга олиб, Жанубий Кореянинг «FREINDAZIA» ташкилоти ўртасида 39 минг АҚШ доллари миқдорида шартнома имзолади. 3000 дона ўқув қуроллари харид қилиниб, 2300 донаси ўқувчиларга етказиб берилди. Қолгани эҳтиёжманд кўзи ожиз болаларга тарқатиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Республика кўзи ожизлар босмахонаси томонидан таълим муассасалари учун 75 номда ўқув дарсликлар нашр қилинди. Қарши шаҳридаги «Мавҳумот оламига маълумот» тифлоахборот мажмуаси томонидан кўзи ожизлар кутубхоналарига 106 номдаги брайль адабиётлар етказиб берилди. Келгусида бундай хайрли ишларни янада кўпайтиришни мақсад қилганмиз.

Яна бир гап. Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид комплекс чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифаларнинг айримлари ижроси суст кетмоқда. Масалан, мазкур ҳужжатда катта ёшли кўзи ожиз инсонларнинг саводхонлигини ошириш мақсадида умумтаълим мактаблари негизида брайль ёзувини ўргатиш бўйича махсус курслар ташкил этиш вазифаси белгиланганди. Халқ таълими, Молия, Адлия вазирликлари билан ҳамкорликда Низом лойиҳаси тайёрлаб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Аммо унинг амалиётга киритилиш кечикмоқда. Жамият ҳисобида рўйҳатга турган аъзоларнинг 21,9 фоизи барйль ёзувида саводхон эканлиги мазкур низомни тасдиқлашни кечиктириб бўлмаслигини курсатади.

Анжуман доирасида сўзга чиққанлар сўнгги йилларда жамият миқёсида грантлар билан ишлаш ҳолати яхшиланганини таъкидлашди. Улар 5 йил мобайнида 35та грант лойиҳаси асосида долзарб масалалар ечимига қаратилган ижтимоий лойиҳалар амалга оширилганини билдиришди.

Тадбирда Кўзи ожизлар жамиятининг навбатдаги XVIII қурултойида кўриладиган масалаларга ҳам тўхталиб ўтилди. 2019-2024 йилларда Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ва унда белгиланган вазифалар муҳокама этилди.

**Маҳлиё АЛИҚУЛОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

## ШУ КУННИНГ ШУКУҲИ

# *Янги корхона рамзи:*
# ОЛТИН ЙЎЛ
## *Бу орзу ва мақсадимиз ифодаси ҳамдир*











МАЪЛУМОТ. Лойиҳа таъсисчиси — «Ўзбекнефтгаз» АЖ. Танланган ҳудуд-Қашқадарё вилоятининг Ғузор ва Нишон туманларидаги Шўртан дашти. Лойиҳа қиймати — 3,6 миллиард АҚШ доллари. Молиялаштириш манбалари — Хитой, Корея Республикаси ва Россия давлатининг молия институтлари. Бош пудратчи — Корея Республикасининг «Hyndai Engineering Co. Ltd», «Hyndai Engineering and Construction Co.Ltd» ва Сингапур давлатининг «Enter Engineering Pte.Ltd» компаниялари . Яратиладиган иш ўринлари —1328 та, шундан бевосита ишлаб чиқариш ходимлари 808 киши жами Шўртан газ-кимё мажмусидан олинадиган 3,6 миллиард кубометр тозаланган метанни қайта ишлаб, 1,5 миллион тонна сифатли ва экологик тоза, ЕВРО-5 стандарти талабига жавоб берадиган синтетик суюқ ёқилғи маҳсулотларга айлантиради. Жумладан, 724,6 минг тонна дизел ёқилғиси, 307,3 минг тонна авиакеросин, 437,3 минг тонна нафта, 53,4 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Нафта яна Шуртан газ-кимё мажмуига етказилиб, ундан бир қанча янги маҳсулотлар ажратиб олинади. Корхона ишга тушгач, четдан келтирилаётган 1,5 миллион тонна нефть маҳсулотлари импортини камайтириш имконияти яратилади. Янги заводнинг қурилиш майдони 170 гектар.

### ЙИЛЛАР ВА ЙЎЛЛАР

Шаҳрисабздан тонгда йўлга чиқдим. Машинада Яккабоғ – Қарши эски йўлидан юрганимдан пушаймон эдим.

Шўро замонида қурилган бу йулнинг аҳволи ҳамон ўша-ўша. Қаралмаган. Машина ғилдираги ҳар чуқурга тушганда асабинг ўйнайди. Бу ишга масъуллар шаънига аччиқ гаплар айтасан. Хайрият, Ғузор тумани ҳудудига киргач, йўлнинг анча қисми таъмирланган экан. Машина ҳам ортиқча силкинмай қўйди. Тонг ёришиб, қатнов кўпайди.

Анча юрдик, бирор манзил кўринмайди, бу кенгликлар уфққа туташиб кетган. Бу дашту далалар гўё кимсасиздек, ҳеч вақо йўқдек. Илгари ҳам шундай туюларди. Лекин вақт ўтган сайин Қашқадарё чўллари бағрида бебаҳо хазиналар борлиги ойдинлаша бошлади. Мустақиллик йилларида бу бойликлардан фойдаланишга киришдик. Агар нефть, газ конларимизни ишга туширмасак , ёқилғи учун бошқа давлатларга қарам бўлиб қолаверишимиз турган гап эди.

Тобеликдан қутилиш учун бу соҳада ҳам кураш бошланганди. Оллоҳнинг инояти билан нефть ва газнинг улкан захиралари Қашқадарё заминида эди. Бахтни қарангки, мамлакатдаги энг йирик Муборак газни қайта ишлаш заводи фаолияти билан бир неча бор танишгандим. Мустақилликнинг йирик иншоотларидан бири-Кўкдумалоқ компрессор станцияси ишга тушганини ўз кўзим билан кўргандим. Шўртан даштидаги газни қайта ишлаш корхонасига ҳар борганимда фахрланардим, қуввати баланд бу корхона мамлакатимиз иқтисодий қуввати ошишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. 1996 йилда шу даштда «Шўртан газ-кимё» мажмуи қурилиши бошлагани ҳақида мақолалар тайёрлаганман, янги корхона 2001 йилда ишга тушганди.

Бу газ-кимё мажмуи бош муҳандиси Шокир Эшмуродовнинг айтишича, ҳозир корхонада 4100 ишчи, инженер-техник ходим меҳнат қилмоқда. Йилига 3 миллиард 450 миллион кубометр метан, 110 минг тонна суюлтирилган газ, 90 минг тонна конденсат, 125 минг тонна полиэтилин ва катта миқдорда олтингугурт ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу корхона билан вилоят аҳли ҳақли равишда фахрланади.

Шўртан даштининг биз етиб келган ҳудуддаги ҳар хил рангдаги техникаларни кўриб, нақ кўргазмалар майдони дейсиз. Юзлаб машиналар тизилган. Узоқдан қад кутараётган завод биноси кўзга ташланади.

Мустақиллик йилларида газ-кимё мажмуи ишга тушгач, тозаланган метандан суюлтирилган синтетик ёқилғи ишлаб чиқарадиган бутунлай янги завод қуриш режаси ҳам тузилганди . Бир неча хорижий давлатлар иштирокида қўшма корхона ташкил этилганди. Янги корхонанинг ўрнини белгилаш учун Англиядаги бренд-рамзлар яратувчи «Malwell Corporate Projects» компаниясига буюртма берилганди. Натижада «Ўзбекистон олтин йўл» деган рамз тайёрланди . Кейинчалик «Ўзбекистон ЖТЛ» МЧЖ тузилди. Аммо «Олтин йўл ЖТЛ» деган ном кенг оммалашди. Бизга ана шу атама маъқул бўлди. ЖТЛ-инглизча «газдан-суюқликка», деган маънони бераркан.

Хуллас, 2012 йил 22 июль куни ярим тунда Шўртан даштидаги 75 гектар майдонга 1 миллион 12 минг 840 дона электор лампочкаси ўрнатилиб , тунда «Олтин йул» рамзи, бўлажак заводнинг нурли тасвири порлаганди.

Мамлакат тараққиётининг янги даври, ўзгача шижоат билан бошланган ислоҳотлар беқиёс янгиликлар, тарихий воқеаларга бой бўлмоқда. Масалан, газ қазиб чиқаришни 2021 йилда 73 миллиард кубометрга етказиш белгиланаяпти. Бу газнинг анчаси чет элга экспорт қилинади. Яна шуниси борки, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг 90 фоизи газ ҳисобидан ҳосил қилинмоқда. Шунинг учун атом электр станцияси қуришга киришаяпмизки, бу 3,7 миллиард кубометр тоза газни тежаш имконини беради.

Юртимизда ислоҳотлар туфайли экспортга маҳсулот жўнатиш, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш, импортни камайтириш ҳаракати бошланиб кетган ва бу саъй-ҳаркатлар ўз самараларини бермоқда. Масалан, ўтган туққиз ойда 10 милиард АҚШ долларига тенг маҳсулот экспорт қилдик. Янги корхона ишга тушгач, белимиз яна бақувват бўлади, очиқ гап шу.

Бироқ бу ишлар осон амалга ошмаяпти. Тўхтаб қолган қурилишни қайтадан бошлаш, хорижий ҳамкорлар билан келишиш, минглаб қурувчиларга шароит яратиб бериш талаб қилинарди. Бунинг учун давлат миқёсида улкан ирода ва технологияларни ўрнатиш учун юксак тафаккур талаб қилинарди. Воқеалар ривожига аҳамият берайлик . Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 29 декабрида «Шўртан газ-кимё» комплексининг тозаланган метани негизида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида» алоҳида қарор қабул қилди. 2017 йилнинг февраль ойида Юртбошимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида заводга келди ва долзарб масалалар таҳлил қилинди, натижада қурилиш янги босқичга кўтарилди. Президентимиз 2018 йилнинг 13 декабрида яна GTL заводи қурилишига келди. Энди аҳвол тубдан ўзгарган, қурилиш ишлари жадал олиб борилаётган эди. Улкан юк кўтаргичлар, мураккаб технологик ускуналарни йиғишга киришилганди. Раҳбаримиз барча ишлар билан яқиндан танишди, хорижлик ҳамкорлар билан суҳбатлашди. Шу тарзда Шўртан газ-кимё мажмуи яқинида яна бир лойиҳани амалга ошириш, янги завод ишлаб чиқарадиган нафтани обдон қайта ишлайдиган иккинчи янги корхонани яратиш, полиэтилин ва полипропилин каби маҳсулотларни кўпайтириш, натижада ягона технологик кластер тузиш истиқболларини белгилаб, тегишли мутасаддиларга кўрсатмалар берди. Қувончлиси шуки, бу иккинчи лойиҳани амалга оширишга ҳам киришилган.

### ЛОЙИҲА ВА ТЕХНОЛОГИК ТАФАККУР

Мамлакатимиз раҳбари 2016 йил 16 ноябрда Президент сайловлари арафасида қашқадарёлик вакиллар билан учрашганда, жумладан, шундай деганди: «Қашқадарё улкан саноат минтақаси ҳисобланади. Айниқса, ёқилғи – энергетика индустрияси буйича унинг имкониятлари беқиёс... Бугунги кунда замонавий тараққиётни энг илғор техник ва технологик тафаккурсиз тасаввур қилиб бўлмайди».

Рухсат тегиб, қурилиш майдонига кирганимда, ана шундай фазилат соҳиблари бўлган ўнлаб иқтидорли муҳандислар билан танишдим. Улардан бири асли шаҳрисабзлик, корхона техник директорининг ўринбосари Бекзоджон Исмоилов бўлди. У анча йил Шўртан газ-кимё мажмуида меҳнат қилибди. Газ ва нефтни қайта ишлаш бўйича қобилиятли бу муҳандиснинг ҳозир икки ўғли ҳам шу соҳа бўйича олий ўқув юртларида таълим олишаркан. Иш юзасидан бир қанча хорижий давлатларда бўлган Бекзоджон инглиз тилини яхши билар экан. У катта ташкилотчилигини кўрсатди, вақтинча қурилган маъмурий бинога лойиҳачи ва ижрочиларни таклиф қилди, бутун жараён билан таништирди.

Бошда бўлажак корхонада ишлайдиганларнинг 800 нафардан зиёди соҳа мутахассислари бўлишини айтгандик. Ҳозир улардан 480 киши ишга қабул қилинибди. Жумладан, танлаб олинган 300 муҳандис Шўртан газ-кимё мажмуида ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида амалиётни чуқур ўрганаяпти. Шу йилнинг июнь-июль ойларида 25 нафар мутахассис Қатар давлатидаги йирик корхонада малака ошириб қайтди. Улардан айримлари — ғузорлик Бойбўри Қораев ва Жиззах вилоятидан келган Жамол Ғуломов билан танишдим. Улар истеъдодли муҳандислар экан. Айниқса, Қорақалпоғистондаги йирик газ-кимё мажмуида ишлаган, ҳозирги янги корхона техник директорининг ўринбосарларидан бири Қидирбай Қайпназаровнинг илми, фикрлаш тарзи эътиборимни тортди. У лойиҳани тушунтирди ва хорижий мутахассисларнинг сўзларини инглиз тилидан ўзбекчага ўгириб турди.

Юртимизни дунё танимоқда, биз ҳам хорижий меҳмонлар, ҳамкорларимизни меҳр билан қабул қилаяпмиз, ютуқларимиз билан таништираяпмиз, билмаганимизни улардан ўрганаяпмиз. Қурилаётган заводда ҳозир 8 мингга яқин киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 800 нафардан ортиғи хорижлик мутахассислардир. Қурилиш майдонида мен япон, корейс, рус, инглиз, италян ва бошқа миллат вакиллари билан учрашдим. Улар билан суҳбатлашганда, таржимон ўрнига «Олтин йўл»нинг муҳандислари инглиз тилига савол-жавобларни ўгириб туришди. Ҳозир шу жойда инглиз тилини чуқур ўрганадиган курслар ҳам ташкил этилган экан.

— Ўтган йили Президентимиз корхонамизга ташриф буюрганда, мен Корея Руспубликасидан келган ҳамкорларимизга таржимонлик қилдим, — дейди. Қидирбай Қайпназаров. – Суҳбат давомида дунёда шундай 5 та корхона борлиги тилга олинди. Шунда Юртбошимиз «Бундай корхона 6 та», дедилар ва қўшни Туркманистонда ҳам қурилаётганини айтдилар. Бу суҳбат чоғида раҳбаримизнинг ёшларга меҳрибонликларидан таъсирландим ва фахрландим.

Қидирбай таҳлил қилиб берганидек, «Олтин йўл»нинг лойиҳаси Жанубий Африка давлатининг «Sasol», «Дания» давлатининг «Haldor Topsoe» ва АҚШнинг «Chevron» каби компанияларининг технологиялари асосида тайёрланган. Лойиҳа ишларини Жанубий Корея Республикасидаги ҳамкорларимиз «Hyndai Engineering Co. Ltd», « Hyndai Engineering and Construction co.Ltd» компаниялари бажаришган.

**Джонг ик Сон — кореялик лойиҳа менеджери (Technip FMC компанияси):**

— Лойиҳа энг мураккаб технологияларни қамраб олган. Демак, тозаланган метан гази обдон қайта ишланиб, дизел ёқилғи, керосин, нафта, суюлтирилган газ олинади. Биз ҳар бир ускуна ўз жойига ва лойиҳа асосида ўрнатилишини кузатиб бораяпмиз. Юртингизга биринчи келишим. Самарқанд, Тошкент ёқди. Самарқанднинг Регистонида ҳайратландим. Таомларингиздан ош, манти, кабобни хўш кўраман. Аҳил ишлаяпмиз, ёш мутахассисларингизнинг фикри теран эканлигига ишонч ҳосил қилдим.

**Маврицио ФАЛАЗЕТТИ — италиялик мутахассис, шартномаларнинг назоратчи менеджери:**

— Айта оламанки, ўзаро тузилган битимларга тўла амал қилинмоқда. Назорат кучли, иш боришидан тўла қониқаяпман. Чунки бу соҳада 38 йиллик тажрибага эгаман. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Ўзбекистон менга ёқди. Масалан, менинг икки ўғлим ва қизим бор. Ҳаммаси яхши касбларни эгаллашган. Катта ўғлим менинг соҳамда. Фарзандларимиз меҳрибон ва аҳил. Бу жиҳатдан ўзбекларга ўхшаймиз. Дўстлик, ҳамкорлик халқларимизни бир-бирига яқинлаштиради.

— Мана, лойиҳачи ва назоратчи менеджерларнинг фикрини эшитдингиз,— деди муҳандис Бойбўри Қараев. — Мен ҳамкасбим Жамол Ғуломов ва бошқалар билан шу йил Қатар давлатидаги йирик корхона ишини ўрганиб, тажрибамизни оширдик. Биз, мана, Бекзод ака ҳам, 2017 йилда Корея Республикасида бўлиб, лойиҳачилар билан бирга ишладик. Жуда мураккаб технологияларнинг ечими изланди. Лойиҳада энг охирги жараён – чиқиндилар чиқаётганда эскирган ускуналар ўрнатиш кўзда тутилган экан. Бу табиатни ифлос қиладиган чиқинди чиқишига олиб келарди. Фикримизни исботладик. Натижада кореялик ҳамкорларимиз лойиҳага янги, энг замонавий ускуналар ўрнатишни киритишди.

Бекзоджон ва бошқа муҳандислар ўзига хос технология ва янгиликларни тушунтириб беришди. Масалан, завод сувни шу жойда илгари қурилган сув омбори ва Карши каналидан тортилган қувурлар орқали оларкан. Қизиғи шундаки, ишлаб чиқариш давомида ҳам сув ҳосил бўларкан ва улар тозаланиб, яна қайта ишлаш ускуналарини совутишга узатиларкан. Яна бир янгилик шуки, ҳосил бўлган юқори босимли иссиқ буғ 2 та трубинали генераторга узатилиб, 98 МВт электр энергия ҳосил қиларкан. Бу электр энергиянинг 68 МВт заводни ишлатиш учун етаркан ва қолгани Шўртан газ-кимё мажмуасига узатиларкан. Яна ҳаводан соатига 240 тонна кислород оладиган ускуналар хам ўрнатилаяпти. Бундай янгиликлар анчагина.

### ҚУРИЛИШ МАЙДОНИДА

Бекзод Исмоилов йўл бошлади – улкан қурилиш майдонига чиқдик. Кўз олдингизга келтиринг: дунёнинг 21 давлатидаги 126 заводда ясалаётган 11 мингдан зиёд технологик ускуналар юртимизга, мана шу улкан даштдаги қурилиш майдонига ташиб келтирилмоқда. Мен алоҳида майдонда турган, Россиянинг «Волгоград нефтьмаш» корхонаси тамғаси туширилган 3 та сеператор, унинг ёнида Германиянинг «Сименс» корхонасида тайёрланган 2 та компрессорни кўрдим. Улар улкан ва ўта оғир замонавий мосламалар.

Биз денгиз йўлига эга эмасмиз. Шунинг учун ускуналар не-не машаққатлар билан олиб келинмоқда. Хитой давлатида ясалган, ҳар бири 550 тонна оғирликдаги ва узунлиги 50 метр бўлган 2 та технологик қурилмани денгиз ва логистик маршрутлар орқали Ўзбекистонга олиб келишиб, ўрнатишгани ҳақида гапириб беришганда, бажарилаётган ишлар кўлами ва машаққатини янада равшанроқ англадим.

— Корхонадаги энг оғир ва масъулиятли ишлардан бири «Фишер-Тропш» реакторларини олиб келиш ва ўрнатиш бўлди, — дейди Бекзоджон баланд ва улкан қурилма қаршисига бошларкан. — Бу 2 та реакторнинг оғирлиги 4 минг тоннадан зиёд бўлиб, қисмлари Япония, Жанубий Африка Республикаси, Корея, Ҳиндистон каби давлатлардаги йирик корхоналарда ясалган. Биз уч мутахассис 2017 йилнинг ёзида Япониянинг Нагасаки шаҳри яқинидаги «Хитачи Зосен» корхонасига бориб, реакторнинг тегишли қисмлари қандай ясалаётганини кузатиб турдик. Барча мамлакатларда ясалган реактор бўлаклари келтирилгач, мана шу майдонда йиғилди ва пешма-пеш ўрнатиб борилди. Барча ишлар 2019 йилнинг сентябрь ойида якунига етди. Бунинг учун 1350 тонна юк кўтарадиган крандан фойдаланилди. Метанни қайта ишлашда реакцияга киришиш ҳолати худди шу ускунада амалга оширилади. Бу ишларнинг бошида япониялик мутахассислар туришди. Ана, яна бир муҳандис келаяпти, саволингизни беринг, мен таржима қиламан.

**Ивасаки ЯШИТО — Япониянинг «Хитачи Зосен» компанияси мутахассиси:**

— Биз Жанубий Африкадаги «Sasol» компанияси учун ҳам реакторлар ясаб берганмиз. Бу янги заводда иш анча қийин бўлди. Реактор қисмларини очиқ майдонда йиғиб, бирин-кетин ўрната бошладик. Барча иш сифатли бажарилди. Ўзимдан сўрасангиз, Тамана шаҳрида яшайман, оилада икки қиз ва ўғил фарзандни ўстираяпмиз. Кексаларни иззат қилиш, фарзанд тарбиясида ўхшашлигимиз кўп экан. Ўзбекистон яхши ривожланаётганига амин бўлдик.

**Крис ПРИНЦ — Жанубий Африка Республикасидаги «Sasol» компанияси муҳандиси:**

— Заводнинг лойиҳасига биз ишлатаётган технологиялар асос қилиб олинган. Шунинг учун юртингизга мутахассис сифатида келиб, заводда ускуналарни ўрнатиш жараёнларини назорат қилиб бораяпман. Ишлар лойиҳа асосида кетаяпти. Демак, завод ишга тушгач, қурилмалар бенуқсон ишлашига кафолат бор. Ана шу асосда сертификат берилади. Мен Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларида бўлиб, унутилмас таассурот олдим. Юртимга қайтганимда фарзандларим, ҳамкасбларимга ҳикоя қилиб бераман.

**Равшан ФОЗИЛОВ — «Хитачи» компаниясининг хавфсизлик бўйича муҳандиси:**

— Мен Қарши шаҳрида туғилиб ўсганман. Ҳозир хорижий компанияда меҳнат хавфсизлиги буйича ишлаяпман. Бу жуда масъулиятли иш. Барча ходимларимизга иш кийимлари берилган, каска кийишлари, қоидаларга амал қилишларини назорат қилиб бораяпмиз.

**Фахриддин АБДУРАСУЛОВ — «Олтин йўл» корхонаси бош директори:**

— Мана, кўрдингиз, лойиҳада кўзда тутилган жараёнлар қатъий назорат билан давом этаяпти. Ҳозиргача белгиланган ишларнинг 70-80 фоизи бажарилди. Муҳтарам Президентимиз ўзимизда тайёрланаётган ашёлардан кенг фойдаланиш вазифасини ҳам қўйганлар. Ана, ғиштни Китоб, Қарши, Самарқанддан олиб келаяпмиз. Металл Бекободдаги корхонадан жўнатилмоқда. Айниқса, темир-бетон буюмлари ясашга катта эътибор берилди. Ҳув қаранг, 22,5 метрлик тикка темир-бетон «устун», «балка»лар Қаршидаги «Порлоқ» МЧЖ га қарашли корхонада ясалган. Бемалол, танишинг, қурувчилар билан суҳбатлашинг...

Айланиб юрганимизда, тушликка чиқаётган бир гуруҳ қурувчиларга дуч келдик. Нормурод Назаров Қарши туманининг Қовчин қишлоғида яшаркан. Ориф Аҳмедов бир неча йил Кореяда ишлаган, бу халқнинг тили ва одатларини яхши биларкан. Ёши улуғ Бешбой Маматқулов кўплаб қурилишларда иштирок этган экан. «Барчамиз қурилиш-монтаж ишларида қатнашаяпмиз. Шароит, маош ва ишимиздан розимиз», дейди деҳқонободлик Баҳром Эшназаров.

Халқимизда «Бўш қоп тик турмайди», деган доно нақл бор. Хўш, бунча кишига яшаш ва иш шароити қандай яратиб берилмоқда? Бу саволларни берганимда, Бекзод Исмоилов аввал Бош пудратчи томонидан вақтинча қурилган қўрғонга бошлади. Юзлаб биноларда барча қурувчи бемалол жойлашар экан. Яна 1600 ўринли ётоқхоналар қурилмоқда. Демак, агар қурилиш иштирокчилари 10 минг кишига етса ҳам турар-жой муаммо бўлмайди. Қизиқиб, «А-14» аталган ётоқхонага кирдик. Маъмур Элбек Саидов шароит билан тариштирди. Хоналар икки кишилик, бир кишига мўлжаллангани ҳам бор экан. Ичадиган, ювинадиган сув бор, душ ишлаб турибди. Замонавий нимкатлар қўйилган. Кичкина совуткич, биоконденсионер, телевизор бор. Вақтинчалик эмас, 20-25 йил фойдаланса бўладиган бинолар қурилибди.

Бекзоджон «Олтин йўл» корхонаси ходимлари учун қурилган кичкина шаҳарчага бошлади. Уч қаватли замонавий бинолар тикланибди. Шу жойда соғломлаштириш маркази, сузиш ҳавзаси, кутубхона, очиқ теннис корти, мини футбол майдони бор экан. Жами 304 хона икки кишилик ва 66 хона бир кишилик экан. Хоналар замонавий мебеллар, нимкатлар билан жиҳозланган, алоҳида ювиниш хоналари ҳам бор. Биноларнинг олдига дарахт кўчатлари ўтқазилибди.

Завод майдонида тиббиёт учун алоҳида бино ажратилган. Мен овқатлантириш билан қизиқдим. Бекзоджон сингапурлик ҳамкорларимиз бошида туриб қурдирган ошхоналардан бирига бошлади. Ошхонага самарқандлик Шокиржон Салиев бош - қош. Хушнуд кутиб олди, стол атрофига ўтқазиб, олдимизга янги ёпилган иссиқ оби нон, ширинлик ва чойнакда чой қўйди. Унинг айтишича, барча масалliқлар Самарқанддаги «Миронкўл» ташкилотига қарашли омборлардан келтириларкан, сифати яхши. Ошхонада 15 киши ишлайди ва барча замонавий пишириш ускуналари ўрнатилган. Электр ва газ билан ишлайди. Ҳар куни нонушта, тушлик ва кечки овқат махсус тузилган таомномалар асосида тайёрланади.

Вақтини аямай, улкан корхона қурилиши билан таништирган Бекзоджон Исмоиловга раҳмат айтиб, хайрлашдим. Машинада кутган ҳамроҳим – Юнус Бобоевга кўрганларимни қисқача айтиб, йўлга тушдим. Газ-кимё мажмуига қарашли ерлар ўрмон бўлиб кетибди. Янги заводда ҳам ободончиликка катта эътибор берилаётган экан. Бирдан бу ерга келаётганимизда йул четида қўй боқиб юрган, эрталаб кўрган чўпон болага кўзим тушди. Беихтиёр машинани тўхтатдим. Анча ўйладим ва бу сафар чўпон бола ҳузурига ўзим бордим. Қўй ҳайдаб анча жойга бориб қолган экан, чарчасам-да, ўжарлик билан юравердим. Бордим, танишдим, исми Баҳодир экан.

— Ўқишга боргандим, тўплаган балим етмади, — деди у ўспиринларга хос жарангдор овоз билан. — Мана, «Кимё» дарслигини қайта-қайта ўқияпман. Биласизми, ўқиб, инженер бўлмоқчиман, сиз борган «Олтин йўл» корхонасида ишлайман. Ҳозир отамга ёрдамлашаяпман. Тағин ўйламанг...

— Йўқ, ўғлим, сенга ишонаман,ўқишга ҳам кирасан. Албатта, шу корхонада ишлайсан. Тилагим шуки, ҳаёт йўлинг олтиндан бўлсин...

Изимга қайтиб, машинага ўтирганимда, қалбим ажиб ҳисларга тўлганди.

**Юнус УЗОҚОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## БИЛАСИЗМИ?

**ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ пахта териш орқали топган даромадига солиқ солинмайди**



Солиқ кодексига мувофиқ, пахта йиғим-терими бўйича қишлоқ хўжалиги ишларига жалб қилинадиган жисмоний шахсларнинг пахта териш орқали топган даромадига **солиқ солинмайди.**

**ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА йилига бир марта бепул юриш ҳуқуқи (бориш ва келишга) қуйидагиларга тақдим қилинган**



— ярадор бўлган ҳарбий хизматчилар, ишчилар ва хизматчилардан 1 ва 2-гуруҳ уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахсларга;

— Чернобиль АЭС даги аварияни бартараф этувчилари-ногиронларига.

3-гуруҳ уруш ногиронлари, уруш қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган шахслар темир йўлларда чиптанинг эллик фоиз чегирмалари билан йилига бир марта юриш ҳуқуқига эга.

Қуйидаги шахслар амбулаторияда даволанишда **дори воситалари билан имтиёзли таъминланиш ҳуқуқига эга:**

— Онкологик касалликларга чалинганлар;

— Сил касаллигига чалинганлар;

— Мохов касаллигига чалинганлар;

— Эндокринологик касалликларга (қандли ва қандсиз диабетга) чалинганлар;

— Руҳий касалликларга чалинганлар;

— ОИВ касаллигини юқтирганлар;

— Юрак клапанини протезлаш ва органларни кўчириш юзасидан операция қилинган шахслар;

— Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерлар;

— 1941—1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахслар;

— 1941—1945 йиллардаги уруш меҳнат фронти қатнашчилари;

— Чернобиль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган — ногирон шахслар;

— Байналмилалчи жангчилар;

— Ҳарбий хизматни ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида ўтаган пенсия ёшидаги шахслар.

**«ИНВЕСТИЦИЯ ВИЗАСИ» эгаларига 10 йиллик яшаш гувоҳномаси берилади**

Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди (864-сон, 11.10.2019 й.).

Президентнинг 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони билан хорижий инвестиция киритган шахслар учун «инвестиция визаси» жорий этилган бўлиб, киритилган қўшимчаларга мувофиқ ушбу визани бериш тартиби ва у билан боғлиқ имтиёзлар белгиланди.

Жумладан, инвестиция визаси **ички ишлар ҳудудий органлари томонидан** берилади ва узайтирилади.

Визани олиш ва узайтириш учун хорижий инвестиция иштирокидаги корхона илтимосномаси, киритилган инвестиция тўғрисидаги маълумотномалардан бирини илова қилган ҳолда белгиланган шаклдаги **анкета** билан мурожаат қилинади.

Шунингдек, инвестиция визасига эга бўлган хорижий инвесторлар ва уларнинг оила аъзолари республика ОТМларида ўқиш даврида Ўзбекистон фуқаролари учун назарда тутилган шартларда **стипендия ҳамда олий таълимдан кейинги таълимни** олишга ҳақлидирлар.

Киритилган ўзгартиришларга кўра, 3 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритган чет эл фуқаросига **10 йил муддатга** Ўзбекистонда яшаш гувоҳномаси берилади (илгари барча чет эл фуқаролари учун 5 йил муддатга берилган).

**Адлия вазирлигининг телеграмдаги «Huquqiy Axborot» канали.**

# «... ҚАМОҚДАН ОЗОД ЭТИЛСИН!»

## *Бу қудратли, бебаҳо сўзларни маҳкума аёллар ўн йил, ўн икки йил орзиқиб кутишган эди...*

**ИНСОН ҚАДРИ**

**Энг гўзал аёл ким, деган саволга бир донишманд «Боласини бағрига босиб, эмизаётган аёл», деб жавоб берган экан.**




Бу таърифда аёлнинг оналиги, мўъжизалиги, меҳридарёлиги, ибоси, чиройи, мунислиги, муқаддаслиги... барча-барча фазилатлари ўз ифодасини топган.

Энг хуник аёл ким, деган саволга, «аёлнинг хуниги бўлмайди», деган қадим жавоб бор.

Агар энг бахтли аёл ким деб сўралса, яратган фарзанд ато этган аёл, фарзандининг бешигини тебратиб, алла айтаётган аёл, фарзандининг қўлидан етаклаб болалар боғчасига олиб бораётган аёл, боласининг туғулган кунига ширин овқат тайёрлаётган аёл, боласининг камолини кўрган аёл, боласининг тўйига бош бўлиш насиб этган аёл, боласининг «Онажон, сизни яхши кўраман» деган сўзларини эшитган аёл, одамлардан «Шундай фарзандни тарбиялаганингиз учун раҳмат сизга!» деган сўзларини эшитган аёл, деб жавоб бериш мумкин.

Аммо қўлига кишан солинган, банди этилган, темир панжара ортида турган аёлчи?..

Болаларини чирқиратиб қолдириб, қамоқда ўтирган аёлчи?.. Озодликнинг қадрига етмаган, иссиқ уй-жойининг, гулдай фарзандларининг шукронасини қилмаган аёл-чи?.. Оилани пароканда қилган, ота-она юзини ерга қаратган аёлчи? Аёллик шаънини оёқости қилган, оналик бурчини унутган аёлчи?..

Бундай аёлларда гўзалликни, зебони, ҳаёни, латофатни, муқаддасликни... кўриш мумкинми? Улар масъулиятсизликданми ёки калтафаҳмликданми, ҳуқуқий саводсизлик сабабми, ночорликми, енгил йўллар билан пул топиш истагими, нафс балосига йўлиқишми, шайтоннинг васвасасига учишми?.. Ҳар ҳолда, улар жиноятга, оғир жиноятларга қўл уришган... Бир марта судланиб, хулоса чиқармаган, иккинчи марта жиноят содир этган, яна тавба қилмай, учинчи марта жиноят кўчасига кирган. Охир-оқибат «ўта хавфли жиноятчи»га айланиб, узоқ йилларга озодликдан маҳрум этилган. Кўплари 8-10 ёки 12 йилдан буён қамоқда ўтирибди. Улар орасида қилган жинояти тўғрисида чуқур ўйлаб кўриб, чин дилдан пушаймон бўлганлари, минг пушаймон бўлганлари, соғлигига путур етганлари оз эмас. Улар ўз ишларини назорат тартибида кўриб чиқилишини сўраб, Олий судга ариза ёзишмоқда, ўз оилалари бағрига, фарзандлари ёнига қайтаришларини ўтиниб-ўтиниб сўрашмоқда.

Яқин-яқингача бу хавфли жиноятчилар, яъни рецидевистлар озодликка чиқишларини сўраб деярли ариза ёзишмасди. Ёзган тақдирда ҳам уларнинг аризаси инобатга олинмасди. Чунки: «ўта хавфли жиноятчилар» берилган жазонинг охири кунигача ўтирарди. Талаб ҳам, тартиб ҳам шундай эди.

Кейинги икки-уч йилда бу тартиб ўзгарди. Бугун мамлакатимизда инсон тақдирига муносабат ўзгарди, инсонни инсон ўрнида кўришга, уни қадрлашга ўргана бошладик. Конституциямизда, қонунларимизда кафолатланган инсон эркинлиги ва ҳуқуқи ҳимоясини таъминлашга қатъий киришилди.

Биргина жорий йилнинг бугунги кунигача инсон ҳуқуқи ҳимояси, инсонни чинакамига қадрлаш бўйича амалга оширилган ишларга эътибор қаратайлик, ўзимизга хулосалар чиқариб олайлик.

Биргина мисол. Зангиота туманидаги аёллар қамоқхонасида жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати учинчи марта очиқ сайёр суд мажлисини ўтказди. Ҳар гал ўнлаб аёллар жазони ўташ жойидан озод этилади, ёки жазоси камайтирилиб, манзил калониясига ўтказилади.

Яқинда Олий суд раисининг ўринбосари, очиқ сайёр суд мажлиси раиси Холмўмин Ёдгоров, ҳайъат судьялари А.Ўтаев ва З.Файзиевдан иборат таркибда, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори К.Ганиев, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова ҳамда ҳимоячилар иштирокида маҳкума аёллардан бир гуруҳининг назорат тартибида берган аризасини кўриб чиқди.

Аввало жазони ўташ муассасасининг мажлислар залида тўпланган маҳкума аёллар билан мулоқот ўтказилди. Бугун Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, инсон эркинлиги, ҳуқуқи ҳимояси борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот берилди. Сўнгра аризаларни бирма-бир кўриб чиқишга ўтилди. Маҳкума аёллар юз-кўзларида қаттиқ ҳаяжон, илтижо, кўплари сукут сақлаганча юм-юм йиғламоқда. Ариза берганлар ҳам, бошқалар ҳам суд мажлиси раиси сўзларини диққат билан тинглашмоқда.

Раислик қилувчи назорат тартибида ариза берган маҳкума Истамбиби Хурсандовага оид жиноят ишини кўриб чиқишга киришди.

Маълум бўлишича, у дастлаб 2004 йил 6 апрелда Туркманистон Республикаси Тошовуз вилоят суди ҳукмига кўра, Туркманистон жиноят кодексининг қатор моддалари билан айбланиб, 20 йилга озодликдан маҳрум қилинган. Туркманистон Республикаси Президентининг 2004 йил 23 октябрдаги Амниция тўғрисидаги қарорига асосан 2004 йил 17 ноябрда жазодан озод қилинган. Албатта, бу инсонпарварлик қарорини қўллашда бу аёлнинг биринчи марта судлангани, оилалик экани, беш нафар фарзанди борлиги инобатга олинган. Афсуски, 2008 йил 22 июлда у яна қамоққа тушган. Ўзбекистон жиноят кодексининг 25, 273-моддаси 5-қисми ва 25, 246-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида 13 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 34-моддасига асосан ўта хавфли рецидивист, деб топилган.

У содир этган жиноят тафсилоти қуйидагича: Хурсандова Истамбиби 2008 йил 10 июль куни Туркманистон Республикасида яшовчи икки шахс билан ўзаро тил бириктириб, «героин» гиёҳвандлик воситасини контирабанда йўли орқали Туркманистон Республикаси ҳудудига ўтказиш режасини тузади. 17 июль куни Ургут тумани Чеп қишлоғидаги бозорда «Жаҳонгир» исмли номаълум шахсдан 421,1 грамм героин гиёҳвандлик воситасини 3.789.900 сўмга олиб, 22 июль куни Туркманистонга жўнайди. «Мерседес -Бенс» русумли автобусда кетаётганида Бухоро вилоятининг Ғиждувон тумани «Сармижон»йўл патрулъ хизмати масканида қўлга тушади...

Ўшандан буён, яъни 11 йил 2 ойдан буён бу аёл қамоқда ўтирибди. Сайёр суд унинг жиноят ишини назорат тартибида кўриб, қатор ҳолатларни ҳисобга олиб, жиноят ишлари бўйича Бухоро вилоят судининг 2008 йил 13 октябрдаги ҳукми ва мазкур суд кассация инстанциянинг 2010 йил 12 ноябрдаги ажримини ўзгартирди. И. Хурсандовага муқаддам тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазоси муддати 11 йилга келтирилди ва суд ажрими ўқиб эшиттирилди: «Истамбиби Хурсандованинг жазони тўлиқ ўтаб бўлганлиги инобатга олинсин ва жазони ижро этиш муассасасидан қамоқдан озод қилинсин!..»

> *Йил бошидан бўён Хотин-қизлар қўмитаси кафиллиги билан 150 нафар аёл суд залидан озод этилди, 307 нафар аёл жазони ўташ жойидан озод қилиниб, уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди, 1680 нафар маҳкума жазони ўташдан шартли равишда озод қилинди.*

Бу қарор ўқилгач, ўн бир йилдан бери оиласи, беш нафар фарзанди, қариндошларидан ажралиб, руҳан азоб тортиб, кун санаб, озодликни зориқиб кутиб яшаган аёлнинг ҳолатини тассаввур қилиб кўринг.

У меҳр-шафқат кўрсатгани учун Президентимизга, Олий судга, Хотин-қизлар қўмитасига миннатдорлик билдираркан, шундай ҳўнграб йиғладики, бу йиғини ҳеч бир бошқа йиғига ўхшатиб бўлмайди...бу аччиқ йиғи, пушаймонлик йиғиси, ўн бир йиллик аламизтироблар йиғиси, қилинган хатолар йиғиси, миннатдорлик йиғиси, озодлик йиғиси...

Суд залидан ташқарига чиқиши билан унинг фикрларини сўрадик.

— Минг бор тавба қилдим, энди ҳеч қачон бунақа иш билан шуғулланмайман. Кечиринглар...

Ҳўнграб йиғлаб юборди, нафасини ростлаб олгач, шундай деди: — **Калта ўйлаган эканман, ваъда қилинган беш юз минг сўм учун ўн бир йил умрим кетди. Болаларим кўчада қолди. Бир пиёла сув билан бир бурда қотган нон еб яшаганим минг марта афзал эди. Агар ҳозир айрим аёллар бунақа ишлар билан шуғулланишни ўйлаётган бўлса, ўтиниб сўрайман, ақлларини йиғиб олишсин. Энг катта бойлик оила, фарзандлар...**

Унинг изтироб ва пушаймонлик билан айтаётган сўзлари кишини чуқур ўйга толдиради: наҳотки қонунсиз ишларни тушуниш учун ўн бир йил қамоқда ўтириш керак бўлса?.. Гиёҳванд моддаларни ўстириш, сотиш оғир жиноят экани ҳақида қанча гаплар айтилаяпти, мақолалар ёзилаяпти, телекўрсатувлар бўлаяпти...Наҳотки бу аёл огоҳлантиришлардан бехабар бўлса? Йўқ, эшитган албатта, аммо ўз вақтида хулоса чиқариб олмаган...

— Энди кўзим очилди, — дейди у.

Кўз очилиши учун шунча йил қамоқда ўтириш, болаларини тирик етим қилиш керакмиди?

Шу ўринда бир савол хаёлга келади: Қамоқда ётган она кўпроқ руҳий азоб тортадими ёки унинг ортида қолган болаларими?

Отаси бор болаларнинг дарди, азоблари бироз енгилроқ ўтиши мумкин. Лекин болалар отасиз бўлса, қариндошлар қўлида қолса, очман дея олмайди, тортинади. Туфлиси йиртиқ бўлса, янгисини олиб беринг деяолмайди. Жеркиб ташлашларидан қўрқади. Биргина умид худодан бўлади. Болалар туни билан йиғлаб, оналари тезроқ уйга қайтишини Яратгандан ёлвориб сўрашади. Оналари тушларига кириб, уйғониб кетишади, йиғлаб тонг оттиришади...

Тенгдошлари олдида бошлари эгик бўлади... Болалик завқи, бахти уларга бегона бўлади, онанинг иссиқ бағридан, меҳридан жудо бўлиб вояга етишади...Бунга ким айбдор, болаларни ким шу кўйга солди?.. Оналар нега болаларини ўйламади?...

**«Онаси қамалган» ёки «онаси жиноятчи» экан, деган сўзлар ҳар қандай боланинг юрагини эзиб юборади.**

**Инсон кўп ҳақоратларга чидаши мумкин, лекин онаси ҳақида ёмон гап эшитса, чидай олмайди.**

**Инсон хўрликларга чидаши мумкин, лекин онасиз қолиб, хўрланган ёмон, дакки эшитган ёмон. Инсон оёқяланг қолса, юпун кийинса, чидайди, очликка ҳам чидайди, аммо онасиз қолиш азобларнинг азоби.**

**Ҳаёт давомида кўп нарса топасан, кўп нарса йўқотасан, аммо онани йўқотишдан оғир мусибат йўқ. Онасиз болалик болаликми, онасиз ҳаёт ҳаётми? Онанинг сўзидан ширин сўз, онанинг нонидан ширин нон борми дунёда? Онанинг меҳридан баланд меҳр қайда бор? Онанинг бағридан иссиқ бағир борми дунёда?..**

**Суд бўлаётган залдаги маҳкума аёлларга тикилиб шулар ҳақида ўйламан...**

Тўғри, ҳаётда қийинчилик оз эмас, моддий муаммолар етарли. Аммо ўрганиб кўрилса, қамалган аёлларнинг аксарияти уй-жойли, эрли, томорқаси, мол-ҳоли бор. Улар учун бепул касб ўргатадиган курслар очилган, кредит олинг, оилавий тадбиркор бўлинг, товуқ боқинг, чорва қилинг, тикувчилик цехи очинг, иссиқхона қуринг, оилангизни боқинг, деб банк ходимлари уйма-уй юрди. Жонини койитиб, меҳнат қилишни хоҳламаганлар бунга ҳам қизиқишмади. Айримлари олган кредитидан мақсадли фойдаланмади, уй қурди, машина олди ёки бошқа нарсага ишлатиб юборди. Имкониятдан тўғри фойдаланганлар эса тадбиркорликни йўлга қўйиб, оиласини тиклади, иш ўринлари яратди.

Меҳнат қилиб, ақлни ишлатиб пул топишни хуш кўрмаганлар гиёҳвандлик моддаси савдоси билан шуғулланиб, бирданига бойиб кетишни ўйлади. Бу қора мақсад йўлида аёллардан фойдаланишди. Уларни ўзларига «почтальон» қилиб олишди. «Шу пакетни фалон жойга элтиб, фалончига берсангиз, 500 минг сўм оласиз», дейишади. Ёки 100-200 АҚШ долларини ваъда қилишади. Аёл қўлга тушиб, қамалиб кетади. Уни ёллаган шахснинг ҳақиқий исмини ҳам, турар жойини ҳам билмайди.

Ўн уч йилдан бери қамоқда ўтириб, озодликка чиққан бир аёлнинг ёлғиз фарзанди 16 ёшда бўлган экан, ҳозир 29 ёшга тўлибди. Ўн олти ёш, айни нозик ёш, онасининг тарбияси жуда зарур пайт. Боласи синглисининг қўлида қолган экан. Бу аёл ҳам учинчи марта судланиб, 13 йил 6 ойга озодликдан маҳрум этилган... Боланинг онасиз ўтган йиллари, онасининг қамоқда ётганини ўйлаб тортган руҳий азоблари асорати хотирасида бир умр қолиши мумкин.

Сурхондарёлик Абдумўминова Орзигул 1962 йилда туғилган. Ота-онаси катта ниятлар билан унга шундай гўзал исмни қўйиган. Уни тарбиялаб, орзу-ҳавас билан тўйини ўтказишган. Аммо бу қиз турмушга чиқиб, 4 нафар фарзандли бўлгач, қайта-қайта жиноятга қўл уриб, охири 15 йилга озодликдан маҳрум этилиб, 11 йил 6 ой қамоқда ўтиришини ота-онаси хаёлига ҳам келтирмаган албатта. Гиёҳванд модда савдосига ўралашиб қолган бу аёл ҳам чин дилдан пушаймон бўлиб, соғлиги оғирлашгани сабабли жазо енгиллаштирилишини сўраган.

**— Қаттиқ пушаймонман, — деди у. – Болаларим менсиз ўсди, невараларим туғилди. Мен она бўлиб болаларим тўйида қатнаша олмадим, невараларим саккизта бўлибди. Бирортасини кўрмаганман. Уларнинг бешик тўйларида бош бўлолмадим. Она бўлиб болаларим учун нима қилдим...**

У аччиқ-аччиқ йиғилади, алам билан йиғлади... сўнгра бошини қуйи эгганича «Биз нонкўрларни кечиргани учун Президентимизга раҳмат. Болаларимни, невараларимни кўрмай ўлиб кетаманми, деб ўйлардим. Ҳозир юрагимдаги миннатдорчилигимни сўз билан ифодалай олмайман», деди.

— Мен қамалганда ўғлим 17 ёшда эди. Ҳозир 29 ёшда, — деди яна бир она. Келиб хабар олиб турди. Йигирма ёшга тўлганида, «Ўғлим мени кутма, тенгинг топилса, уйлан» дедим. «Онажон, сиз тўйимни кўрмасангиз қандай уйланаман», деди у. Биз бу жиноятларни савиямиз пастлиги, аҳмоқлигимиз учун қилдик. Ёлғизлик азобини, виждон азобини қанчалик тортганимизни ўзимиз биламиз. Бу ерда бир кунни ўтказишнинг ўзи бўлмайди.

— Қамалганимда катта қизим 10 ёшда, кичиги 8 ёшда эди, — дейди бекободлик аёл. — Иккинчи марта судланиб, 11 йил 6 ойга қамалганидан сўнг онам инсульт бўлиб қолди. Бир ярим йилдан сўнг оёққа тургач, мени кўришга келди. «Майли, мени ўйлама, икки етим болангни ўйламадингми? Ҳамма болалар каби улар ҳам ота-она бағрида яшашга ҳақли эдику» деган сўзлари юрагимни тилка-пора қилганди...

Болаларимни мактабга етаклаб боролмадим, туғилган кунларида бағримга босолмадим, табриклай олмадим, дастурхон тузаб беролмадим. Ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман... Гуноҳкорман... Болаларимни ўйлаб кўп азоб тортдим...

Хоразм вилояти Боғот туманилик яна бир маҳкуманинг сўзларини эшитиш ҳам жуда оғир бўлди.

— Қизим олти ойлик эди, болалар уйига топширишибди, катта қизим 9 ёшда эди. Кейин акам уларни ўз тарбиясига олибди. Дадам вафот этди, кўролмадим, тобути тепасида йиғлаш насиб этмади. Армондаман, ўзимни ҳеч қачон кечира олмайман... Шайтон йўлдан урдими, нафс балосими, бу йўлга кириб қолдим...

Биз учун энг катта жазо виждон азоби бўлди...

Уларнинг қай бири билан гаплашманг, қилган жиноятидан қаттиқ пушаймон, тавба-тазарруси чексиз. Уларнинг қисмати кишини қаттиқ ўйга толдиради, ўз ҳаётига, ўз бахтига, ўз ёшлигига, гўзаллигига, латофатига, нафосатига ўзи хиёнат қилган бу аёлларга юрак-юракдан ачинасан киши. Ўзининг аёллик шаънини, оналик бурчини ўйламай, умрининг энг гуллаган фаслини беҳуда ўтказган, хазон қилган бу аёллар қисмати эҳтимол кимларгадир сабоқ бўлар.

Уларга яна бир бор инсонпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат кўрсатилди. Аёлнинг оналиги — муқаддаслиги яна бир бор эъзозланди. Улар барибир она, улар барибир аёл, улар барибир муқаддас, деган тамойилга амал қилинди. Республика Хотин-қизлар қўмитаси кафиллиги асосида, Давлатимиз раҳбари томонидан бугун олиб борилаётган юқори даражадаги инсонпарварлик сиёсатидан келиб чиқиб, 14 нафар аёл қамоқдан озод этилди. Шунингдек, шу куни жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг сайёр суд мажлисида 3 нафар маҳкума аёл жазо муддатидан олдин озод қилиниб, оиласи бағрига қайтарилди. 13 нафар маҳкуманинг жиноят ишлари кўриб чиқилиб, улар жазони ижро этиш учун манзил колонияларига ўтказилди.

Йил бошидан бўён хотин-қизлар қўмитаси кафиллиги билан 150 нафар аёл суд залидан озод этилди, 307 нафар аёл жазони ўташ жойидан озод қилиниб, уларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланди, 1680 нафар маҳкума жазони ўташдан шартли равишда озод қилинди.

Энди бу аёллар озодлик қадрини яхши билишади, кўрсатилган меҳр-мурувватни ҳам қадрлашади, деб ўйлаймиз.

**Сафар ОСТОНОВ**

# ЭЛИМИЗНИНГ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда барча соҳалардаги каби соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Унинг самараси ўлароқ, тиббиёт соҳасида янгидан-янги ўзгаришлар, муваффақиятларга эришилмоқда. Албатта, бундан кўзланган асосий мақсад кўп миллатли халқимизнинг саломатлигини замон талаблари даражасида таъминлашдир.**

Жорий йил март ойида Ўзбекистон Республикаси вазирлар маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда назарда тутилган тиббий-ижтимоий хизматлар агентлигининг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиши, вазирлик таркибидан Агентлик тасаррруфига тиббий-ижтимоий масалалар, Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, «Мурувват» ва «Саҳоват» интернат уйларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш» жамғармаси, «Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази» тузилмасидаги уруш ва меҳнат фахрийларини санаторийда соғломлаштиришни ташкил этиш бўлими ва унинг функциялари ўтказилиши соҳада йиғилиб қолган муаммоларнинг ечимини топиб берди. Шунингдек, қарорда ҳудудий тиббий-ижтимоий хизматлар бўлинмалари ва туман (шаҳар) тиббий-ижтимоий хизматлар шўъбаларини тегишли равишда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ва туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида зарур шароитлар яратиб кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни, уларнинг жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда текин жойлаштириш масаласи алоҳида кўрсатилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Агентликнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож бошқа тоифаларига кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматларни янада такомиллаштириш ва мувофиқлаштиришга қаратилган ягона сиёсатни шакллантириш ва амалга ошириш назарда тутилган. Ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар, яратилган ҳуқуқий асослар, айниқса, кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар, аҳолининг бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш аҳолига кўрсатилаётган хизмат сифатини оширади.

**Мухторжон ЗОИРОВ,**
**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Тиббий-ижтимоий хизматлар агентлиги Матбуот хизмати раҳбари.**


**РЕКЛАМА**

## «TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МЧЖ

**2019 йил 19 ноябрь куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Бунёдкор шох кўчаси, 156 «А»-уйда жойлашган «Чилонзор буюм савдо комплекси» акциядорлик жамиятининг 2004 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01ВА173, бошланғич нархи 8 045 847 сўм бўлган «ТТЗ-100К» русумли трактори, Тошкент шаҳар, А.Хўжаев кўчаси, 5-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизматининг 2010 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/034 КАА бошланғич нархи 21751313 сўм бўлган «Нексия Донс» русумли, Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳар, Тошкент йўли кўчаси, 90-уйда жойлашган Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги «Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази» давлат унитар корхонаси балансидаги 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/208 ВСА, бошланғич нархи 11 181 429 сўм ва давлат рақами 01/209 ВСА, бошланғич нархи 11 041 661 сўм бўлган «Нексия» русумли автотранспорт воситалари қўйилишини маълум қилади.**

Аукцион савдолари соат 10:00да бошланади. Буюртма қабул қилиш савдо кунидан аввалги иш кунида соат 18:00да тўхтатилади. Савдоларда қатнашиш учун закалат тўғрисида келишувга мувофиқ автотранспорт воситаси бошланғич нархининг камида 20 фоизи миқдорида закалат пули «Toshkent kim oshdi savdolari» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА: 00425, СТИР:302088054, 20208000004932833001 ҳисоб рақамига тўланади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда навбатдаги ҳафталарнинг пайшанба кунлари ўтказиладиган савдоларга такроран қўйилади. Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Талабгорлар белгиланган муддатларда аукцион савдоларида қатнашиш учун буюртма икки нусхада, закалат тўлов ҳужжати нусхаси, аукцион савдоларида ишончли вакил қатнашишида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, ҳуқуқий шахслар – давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, жисмоний шахслар – паспорт тақдим этадилар.

Аукционда қатнашиш тартиби ва талаблари тўғрисида қўшимча маълумотлар кўрсатилган манзилдан олиниши мумкин. Буюртмалар аукцион ўтказиладиган қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси 26-А уй. Алоқа телефони: (+998 95) 143-69-97, электрон почта: tkos-mail@inbox.ru

**Гувоҳнома № 005414-05**

# Меҳр – 2 операцияси муваффақиятли амалга оширилди

## Юрагингда юртга меҳр гули унсин

**Президентимизнинг топшириғига кўра, халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти билан ҳамкорликда Ироқ давлатида сарсон-саргардонликда юрган Ватанимизнинг 64 нафар фарзанди юртимизга қайтарилди. Уларнинг орасида уч ёшгача бўлган норасидалар ҳам бор...**

Ўқиб, эшитиб она қалбим қалқиб кетди. Ўзбек миллати мана шундай миллат экани бутун дунёга аён бўлди. Хато ҳам, гуноҳ ҳам, жазо ҳам уларни дунёга келтириб, мурғак қалбларини қонатган ота-оналарининг бўйнида. Юрт юзига оёқ қўйиб, ўзга юрт тупроғини кўзга суртгани кетгани рост. Хато қилгани рост, гуноҳга ботгани рост, аммо бу норасидалар бизнинг миллатнинг болалари-ку! Ўзбек, ўзбек бўлиб туғилиб ва шу мақомда тупроққа бош қўйиши керак.

Ўзга юрт тупроғида бир тишлам нонга зор бўлиб сарғайиб юрган болалар, дард тортса, дармон тополмайдиган зулматларда юрганлар, мактаб кўрмаган, китоб ушламаган, нобакор отасининг юзини бир марта кўрмаган болалар булар... Яхши бўлди. Улар ўз тупроғига қайтишди.

Одамзотнинг бу омонат дунёга келиб-кетиши ҳар кунлик ҳодиса. Шундай экан, дунёга келиш саноғида 64 нафар бола унчалик катта аҳамият касб этмаслиги мумкин. Шундай экан нега бизнинг Президентимиз қанча машаққатлар билан ўша болаларни Ўзбекистонга олиб келди? Нега уларнинг ташвишини гарданимизга оляпмиз? Ота бўлиб бағримизга босиб, она бўлиб бошини силаяпмиз.

Гап шундаки, муҳтарам Юртбошимиз бутун дунёга ўзбекона МЕҲР қудратини намоён қилмоқда. Жаҳолат, беақллик, адашиш, андишасизлик ўша бегуноҳ гўдакларни юпун, қўрқоқ, ҳар шарпадан ҳадиксирайдиган қилиб қўйганидек, меҳр уларни одамийлик мартабаларига кўтаради. Эртага уларнинг мурғак қалбларига меҳр-муҳаббат, ишонч киради. Улар одамзотни, ҳаётни севади. Ҳар бирининг қалбига экилган меҳр уруғидан, эҳтимол, 64 минг муҳаббат дарахтлари кўкариб, юртни обод этса, ажаб эмас...

Уларнинг ота-оналари ўзларининг хатолари туфайли бегона, мусофир юртда жазо тортмоқда. Болаларини олиб келиб, паноҳимизга олишимиз "Ўлигинг, тирингингга фақат Она юртинг эгалик қилади", деган азалий қадрият тасдиғи эмасми? Тўрт девор ичида жазо ўтаётган маҳкумалар-ку энди ҳеч нарса қила олмайди. "Худога шукур, зурриёдим ишончли қўлларда", деб йиғлаши мумкин, холос. Фақат кўзи очиқлар, очиқда юриб адашишга мойил бўлганлар охиру аввал ҳимоя юртингдан эканини билишлари керак.

Болалик пайтимда дунёда онамдек паҳлавон бўлмаса керак, деб ўйлардим. Онамнинг ювилавериб юпқалашиб кетган обравон кўйлагининг пеши менинг ҳимоячим эди. Шамолдан беркинардим, юз-кўзим кирланса артардим, қоронғуликдан қўрқсам кўзимни тўсардим, энг асосийси, ундан райҳоннинг ифори келарди. Бу бегуноҳ болалар ҳам онасининг пешидан тутган. Онасининг паноҳида жаҳолат ботқоғи томон кетиб борган. Аммо кўйлак этакларидан нону райҳон иси эмас, қон иси келарди... Оталар гўдакларини эркалаб осмонга отса ҳам қўрқиб йиғлаш ўрнига қиқирлаб куладилар. Ишончи, суянган тоғи борлиги, қайтиб ерга эмас, отасининг қўлига тушишини ўша гўдак ҳам билади. Шу боис кулади, эркаланади. Юртга қайтган болаларнинг оталари эса ўз қўллари билан гўдагини дўзах азобига отган.

Умид излаган кўзларга эрта-индин нафрат инмасдан туриб, меҳр излаган юракларга исёнлар ин қурмасдан туриб, паноҳ излаб чўзилган қўлларга қурол тушмасдан туриб яхшиям бағримизга қайтди. Энди ўша қора ридога ўралган онанинг қалби қонаса ҳам, энди юрт юзига оёқ босган оталар изидан боргувчилар олислаб кетган бўлса ҳам, бизнинг қилган ишимиз хайрлидир. Ортга йўл йўқ. Улар Юртбошимиз меҳридан баҳра олиб, эзгулик нуридан тафт олиб улғаяди, энди. Улуғбеклар, Темурлар, Зулфия, Саидалар бор буларнинг орасида. Болаларни "жаннат райҳонлари", дея суюб-эъзозлаган пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) ҳар бир бола дунёга тоза фитрат билан келишини марҳамат қилганлар. Унинг қандай инсон бўлиб етишиши тарбияга, атрофдагиларнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ. Боланинг топ-тоза, беғубор қалбида эзгулик уруғини ундириш, ҳар қандай зулм, ҳақсизлик ва ёвузликлардан асраш бизнинг инсонийлик бурчимиздир.

*Банди бўлди, бандимиздан узилганлар,*
*Ниҳолини нобуд қилмай олиб қайтдик.*
*Жаҳолатнинг тупроғида чўзилганлар,*
*Бошин силаб, келар пайтда алла айтдик.*
*Меҳр бердик, нурлар билан ўйна болам,*
*Юрагингда юртга меҳр гули унсин.*
*Сен отангдек хато қилиб қўйма болам,*
*Юртин ёвга алишганнинг куни қурсин.*

**Мунаввара УСМОНОВА**

МУНОСАБАТ

## «Эзгуликдан эзгулик пайдо бўлади»

### *64 нафар ўзбек боласи Ироқдан Ватанига қайтарилди*

**Меҳр... Инсонларни бир-бирига боғлаб турувчи кўринмас ришта. Киндик қонимиз тўкилган муқаддас заминга ҳам айнан шу туйғу билан боғланганмиз. Буни Ватанни севиш, деб атаймиз. Кичкина болакайдан сўрасангиз, "уйимни соғиндим, уйимни яхши кўраман", дейди. Ҳали дунёни англаб етмаган гўдакнинг қалбида ватанга муҳаббат туйғуси мана шундай шаклланади. Чунки у билади уйи, ота-онаси унинг таянчи, ҳимояси, ишончи. Демак, Ватан ҳар биримизнинг ўтимишимиз, бугунимиз ва келажагимиздир. Муқаддас заминни эъзозлаш, ҳимоя қилиш муқаддас бурчимиз саналади. Зеро, Ватан ҳам бизни ҳимоялайди.**

**Ўтган ҳафтада мамлакатимиз тарихида яна бир эзгу ишга қўл урилди. "Меҳр-2" операцияси доирасида қуролли, можароли ҳудудлардан бири бўлган Ироқдан 64 нафар бола Ватанига қайтарилди. Унда шахсан иштирок этган ҳамкасбларимиз ҳамда жамоатчилик вакиллари воқеликка ўз муносабатини билдирмоқда.**

**Сарвар РАҲИМОВ, "Ўзбекистон-24" телеканали мухбири, "Меҳр-2" операцияси иштирокчиси:**

— Бугун Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида муносиб эътирофга сазовор бўляпти. Дунё ижобий янгилик ва ўзгаришлар билан янада тараққий этяпти. Лекин ўта мураккаб, таҳликали жараёнлар бир мамлакат ҳудудидан иккинчисига таҳдид солаётани бор гап. Айрим минтақаларда одамларнинг тинч-тотув ҳаёти хавф остида қоляпти. Афсуски, бу жараёнларда айрим ўзбекистонлик фуқаролар билиб-билмай, баъзи радикал кучларнинг таъсирига тушиб ватангадоликка дучор бўляпти. Бундай вазиятда давлатимиз раҳбарининг инсонпарварлик, кечиримлилик, тинчликсевар ташқи сиёсати туфайли юзлаб адашганлар юртга қайтарилмоқда.

Болалар... Инсониятнинг энг маъсум, меҳрга, муҳаббатга муносиб, ғамхўрликка, парваришга эҳтиёжманд вакиллари. Аслида бирор мамлакатнинг осойишталигини, аҳолисининг ҳаёти фаровонлигини шу юртнинг болаларига қараб билса бўлади. Қолаверса, жамиятнинг ёш авлодга муносабатида катта маъно, эзгу умид борки, у ҳам бўлса, бугун болалик даврини яшаётганлар эртага шу юртнинг эгалари, шу жамиятнинг фаол аъзолари бўлиб улғаяди. Бинобарин, бугун болалар қалбига экилган меҳр ниҳоллари эртага оқибат чинорлари бўлиб бўй чўзади. Ўзбекистонда боликнинг давлат даражасида муҳофаза этилиши, болаларга муносиб шароит яратиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар замирида ҳам узоқни кўзлаган мақсад мужассам. Ўзбекистон болалари. Маъсум, беғубор, қувноқ. Маҳаллаларимизни тўлдириб қувлашмачоқ ўйнайдиган, боғчаларда бийрон сўзлайдиган болалар меҳрдан, муҳаббатдан баҳра олиб улғаймоқда.

Энди ўзингиз айтинг, уруш ўчоқларида... Таассуфки, норасидалар катталарнинг хатоси жабрини тортишга мажбур бўлишди. Ўзбекистон раҳбариятининг қатъияти ва мамлакат фуқароларини ҳимоя қилишга қаратилган сиёсати натижаси ўлароқ янги амалиёт – "Меҳр 2" операциясига киришилди.

Бағдод сари парвоз давом этаётган бир пайтда Президентимиз топшириғи билан тузилган махсус ишчи гуруҳи Ироқ давлати ҳукумати ва халқаро болалар ташкилоти ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда ушбу минтақада оғир шароитда қолаётган ўзбекистонлик фуқароларнинг болаларини Ватанга қайтариш бўйича муҳим келишувларни давом эттираётган эди. Чунки, тўғри йўлдан адашиб, бошқа давлатлар орқали "уруш ўчоқлари"га бориб, халқаро террористик ташкилотлар тўдаларига қўшилиб қолган оилаларнинг фарзандлари жудаям аянчли руҳий ва жисмоний қийинчиликларга дуч келганди. Энг ачинарлиси, уларнинг ота-оналари амалдаги Ироқ давлати тузумига таҳдид солганлиги учун 10, ҳатто 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Шу ўринда Ўзбекистон инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқиб, агар аёл киши жиноят содир этган бўлса, унинг ижтимоий ҳолати, фарзандлари ва бошқа жиҳатлари атрофлича эътиборга олиниб, қонун доирасида енгилроқ жазо тайинлаш амалиёти мавжудлигини, умрбод қамоқ жазоси аёлларга қўлланилмаслигини эслаш кифоя. Бу ҳам мамлакатимизда инсон, айниқса, аёлларнинг қай даражада эъзозда эканидан далолат.

Барча хавфсизлик чоралари юқори даражада кўрилган махсус автобусда болалар Бағдод аэропортига олиб келинди. Гуруҳ аъзолари бирин–кетин уларни бортга қабул қилар экан, юз-кўзида ҳадик билан биз томон қадам ташлаётган кичкинтойларга руҳшунослар, шифокорлар, энагалар пешвоз чиқишди. Аввалига ётсираб, опа-акаларининг пинжига яширинган жажжилар бироз инжиқлик қилишди. Лекин илиқ меҳр тафтини ҳис қилганидан сўнг, дастлабки ҳадиқдан асар ҳам қолмади.

Шифокорлар зудлик билан ҳар бир боланинг ҳолати, тана ҳароратигача синчиклаб эътибор беришди. Профилактика ишларини бошлаб юборишди. Болаларнинг 39 нафари ўғил, 25 нафари қиз. 14 нафарининг энг кичиги 8 ойликдан то уч ёшгача сутдан чиқмаган гўдаклар. Шунга қараб энагалар ва бошқа мутахассисларнинг вазифаси аниқ тақсимланган. Иссиқ овқат, қайноқ чой ва ширинликларга андармон бўлган болалар бир муддат ором олишди. Лекин барибир ҳали ички хавотир, она соғинчи уларни тарк этиб улгурмагани тез аён бўлди. Уларнинг ҳар бирини овутиш, кўнглини олиш осон кечмади.

Онасининг ўрнини босишга ҳаракат қилган энагалар бағрида мурғаклар бироз мизғиб ҳам олишди. Бири йиғлаб, бири овунди. Бир оиладан 4 та 5 тагача ака-сингил бир-бирига далда ҳам бўлди. Мана шу лаҳзаларда болаларнинг ўзаро меҳрига ҳам тасанно айтгинг келади. Бу меҳрни ўзга юртда туғилиб, вояга етаётган бўлсада қондан ўтган, унутилмаган ўзбекона қадрият деб атагимиз келди. Улар ҳали Ўзбекистонни кўрмаган бўлса-да, оналарининг соғинч тўла ҳикоялари орқали тасаввур қилишади.

Юртдан келган меҳр тафти эса гўдакларга умид бахш этади. Болалардан кўнгил сўраш билан кечган мулоқотларда бу мурғак қалблар ўз кечинмаларини бизга тўла билдиргиси келмаса-да, саволларимизга уларнинг қимтинибгина берган жавобларидан ҳам аёнки, ўзга юртлардаги сарсон-саргардонлик уларнинг табиатига ҳам одамовуликни солиб қўйгандек туюлди.

Шу ўринда инсонпарварликка йўғрилган дастлабки "Меҳр" операцияси ҳақида мухтасар эслаб ўтмоқ жоиз. Президентимизнинг саъй-ҳаракати билан асосан аёллар ва болалардан иборат 156 нафар ватандошимиз Суриянинг қуролли можаро хуруж олган ҳудудидан юртимизга қайтарилди. Уларга тиббий, руҳий, ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Бир сўз билан айтганда, она юртимиздаги ҳаётдан узилиб қолган бу инсонларнинг тинч ҳаётга қайтиб, жамиятга мослашишлари, таълим ва ижтимоий дастурларда иштирок этишлари учун зарур шароит яратилди, бошпана ва иш билан таъминлаш чоралари кўрилди.

Тилимизда "Эзгуликдан эзгулик пайдо бўлади" деган мазмундаги нақл бор. "Меҳр" инсонпарварлик операцияларига худди шундай таъриф берсак ўринли бўлади. Қайд этиш жойизки, шу пайтга қадар Яқин Шарқ минтақасидаги нотинч ҳудудлардан фақат Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон давлатларигина ўз фуқароларини, хусусан болаларни қайтариб олди.

Ёруғ ва шинам кутиш залига қадам қўйган болакайларнинг ҳам кўнгли равшан тортди. Ватан ҳақида илк таассуротлари айни шу лаҳзалардан ҳақиқатга айланди. Уларга меҳр билан боққан нигоҳларнинг ўзи уларга ишонч, далда, рағбат эканлигини ҳис қилишгани аниқ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР







O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Ulug`bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Mahmud TOIR
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA
Muslihiddin MUHIDDINOV
Shuhrat JALILOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Farrux HAMROYEV *(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)*

**Qabulxona** — (71) 233-65-45
**Xatlar va murojaatlar uchun** — (71) 233-12-56
**Reklama va e`lonlar uchun** — (71) 233-47-80, (71) 233-38-55
**E-mail:** info@uzbekistonovozi.uz

**MANZILIMIZ:**
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba kuni chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1051. 3426 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 00:50.
Topshirilgan vaqti — 04:00.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
**Bardambek SA`DULLAYEV**
Sahifalovchi-dasturchi:
**Zafar BAKIROV**

ISSN 2010-7633

Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 4 5 6